

410867

К



*Мұхаммад
Юсуф*
ИЗДОШЛАРИ

Мухаммад Ўсуп издошилафи

Шеърлар тўплами

«Фарғона» иашвиёти,
2017 йил.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

М 96

Тўплаб нашрга тайёрловчи: Муқимжон Нурбуваев

М 96 МУҲАММАД ЮСУФ ИЗДОШЛАРИ: шеърлар тўплами; адабий-бадиий нашр; тўплаб нашрга тайёрловчи: М.Нурбуваев. – Фарғона: «Фарғона» нашриёти, 2017. – 128 бет + [24] кўйилган расм.

Мазкур тўпламда турли ёш, ҳар хил қасб эгалари бўлган ижодкорларнинг шеърлари жамланган. Улардаги мавзу ҳам, лирик кечинмалар баёни ҳам, бадиий тасвир усули ҳам турлича. Бироқ уларни бир жихат бирлаштириб туради – шеърлари тўпламга киритилган барча ижодкорлар ўзларини халқимизнинг севимли шоири Муҳаммад Юсуфга шогирд, издош деб биладилар...

Умид қиласизки, тўпламдаги қалб кечинмалари барча шеърият муҳлисларига манзур бўлади.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN: 978-9943-4916-2-5

©«Фарғона» нашриёти – 2017



ХАР ҚАЛБНИНГ ЎЗ АЙТАР ГАПИ БОР...

(Сўзбошии ўрнида)

Кўлига қалам олиб, шеър ёзишга тутинган инсоннинг қалбига эзгулик ин куради. Шеър – бу кўнгил эҳтиёжи, шеър – руҳият эҳтиёжи. Истеъдод, иктидор эса ижодкорни элга танилади, яқинлаштиради.

Кўлингиздаги тўпламга ҳаваскор қаламкашларнинг ҳам, шоир бўлиб шаклланган ижодкорларнинг ҳам шеърларидан намуналар киритлган. Жумладан, Муаззам Иброҳимованинг кўнгил сатрлари кўпчилик шеърият муҳлислари кўнглини забт этган. Айтиш жоизки, унинг шеърияти ҳам, шахсияти ҳам шухратпарастлик, киборлик деган иллатлардан баланд туради.

Тўпламдан Икромхон Валихоннинг гўзал ғазаллари ҳам ўрин олган. Уларни ўқиб, ғазал жилосидан, бадиий тароватидан баҳраманд бўласиз.

Ушбу тўпламга киритилган қаламкашларнинг ижод намуналари мавзу жиҳатдан ҳам, йўналиш жиҳатдан ҳам турлича. Муҳими, уларнинг ўз айтадиган гапи бор. Изланишдан тўхтамасалар бўлгани.

Эзгулик йўлида қалам сураётган бу ижодкорларга адабиёт оламида ўз овозига, ўз ўрнига эга бўлишларини тилайман.

Назира ас-САЛОМ,
«Олтин қалам» газетаси боши муҳаррири.

Муаззам ИБРОҲИМОВА

1975 йил Фарғона вилоятининг Кувасой шаҳрида туғилган.

Болалар шифокори. «Янги Зилотиядаги саргузаштлар»,
«Бешикдаги бек болам», «Икки дўст», «Бир қўнгил иморати»
каби китоблари нашр этилган.

ШУКРОНА

Болам, кел, шукrona айтамиз бирга,
Бинафша мунчоқли қирларга чиқиб.
Эркалаб эритсак корчечакларни
Бойчечак ифорли шеърларни тўқиб...

Хадясин тутқазди сулув Мажнунтол,
Толбаргак муборак, қақажон қизим!
Сочларингни ўпган митти баргларнинг
Кўнглидан изладим илоҳий изн.

Кор ёғмай, чечаклар гуллади қийғос,
Оқ, иушти, нафармон тилакларинг айт.
Майлига, эркатой қишини мақтаймиз –
Қайтмасин, дараҳтлар кутмаган бир пайт...

Қара, олам гўзал, жуда чиройли,
Титраб, тилка-пора бўлмаяпти ер.
Баҳор деб бўхронлар домида қолган
Вайрона юртларга кулгучингдан бер!

Булутчалар йиглаб, ўйининг бузса,
Уришма, дунёning гардларин олсин!
Унга энг чиройли қўғирчоғинг бер –
Баракасиз қолган ерларга ёғсин!

Момақаймоқ қизим, мойчечак қизим,
Умринг зиёд бўлсин, толейинг порлок!
Бир куни дунёдан ўтсан, соғинсанг,
Бегубор баҳорнинг рангларига бок...

Мудроқ юракларни уйғотайлик, кел,
Хар кун мұйъжизалар муҳрини босиб.
Сумалак ялаган жимжилогингда
Сермалак сиёҳда эртаклар ёзиб...

Майли, сумалакхүр бўлиб қоламиз,
Наврўзойни алдаб олиб қоламиз...

ТАБРИК

Ўкинчлар эрисин сўнгги қор билан,
Орзуладар тафтида кўкарсинг умид.
Майли, ғам ташвишни қувамиз бирга
Армонлар юракка солмасин таҳдид.
Баҳорлар ёқарми бўлмасангиз сиз?!
Янги кун муборак, эй дўсти азиз!

Ҳалинчак илингандекса ўрикнинг
Энг сўнгги гуллаши – балки, бу сана.
Ғунчаларин тўқмай ниҳол қадайлик,
Бу боғлар пирхона бўлади яна.
Меваси татирми бўлмасангиз сиз?!
Янги кун муборак, эй дўсти азиз!

Сиз кетган манзиллар яқинмас зотан,
Ўртада ўрмонлар, уммонлар, тоғлар...
Сумалак шеърларим бўйлари билан
Ризқингиз илинай соғинган чоғлар...
Парирўй илҳом ҳам бешукуҳ сизсиз!
Яиги кун муборак, эй дўсти азиз!

Бешикдан бўйласин бойчечак қизлар,
Ўғиллар нор бўлсин қаторлар тўлиб.
Тўйлар қиласеринг тонганингизга...
Тўрида ўтиринг бойбува бўлиб.
Югуриб елайлик хизматларда биз,
Янги кун муборак, эй дўсти азиз!

Не кунлар күрмади саргардон бу бош,
Йиғласак, баҳорий ёмғирлар ҳам хун.
Дардимиз тинглаган қанча ёрилтош,
Бинафша рангидә гуллабди бугун.
Келинг, андухни ҳам چўктирайлик тиз –
Янги кун муборак, эй дўсти азиз!
Баҳорой муборак, эй дўсти азиз!

ФАРЁД

(Уруши ҳаракатлари кечайдаган юрт болалари тилидан)

Тўхтагин, танк!
Отмай тур!
Онам алла айтяпти...
Аламзада қалбимга
Фаришталар қайтяпти...

Тўхтагин, танк!
Тинглагин!
Бунда қанча фифон бор.
Темирларни тилкалаб
Эритгувчи тугён бор...

«Алла, алла, алла-ё,
Жоним болам, жон болам!
Одамхўрлар дастидан
Юрагим вайрон, болам!

Алла...
Қара, қўрқмасанг!
Тун қўркинчли бунчалар?!
Шом элига шомдан сўнг
Келмас ширин тушчалар...»

Алла...
Алҳол, бу дарддан
«Дод» демаслар катталар?

Онам ўлса,
Менга ҳам
Кафан бичар катталар!

Йўргагим қон!
Дилим қон!
Конга тўлди қароғим.
Оёқчасиз, қўлчасиз
Колди қанча ўртоғим.

Эҳ, қанчаси боши йўқ,
Куйиб кетди қанчаси!
Ҳов анави мозорда
Ором топди барчаси...

Қара!
Үйим сенсиз ҳам
Хувиллаган, харобдир.
Тинчлиги йўқ юртимда
Келажагим саробдир!

Устимизга ажални
Ёғдирмокда учоқлар,
Болалигим ўлдириб,
Ғолиб бўлди олчоқлар...

Қара,
Қора қузгуналар
Бурдалади боримни,
Миттигина бошимга
Тикиб катта дорини.

Тўхтагин, танк!
Отмай тур!
Яроларим битган йўқ!
Ҳакқа етган отамнинг
Жанозаси ўтган йўқ...

Ёқалари йиртилган,
Йигирмада тул бўлган,
Ха,
Бу ўша
Онам-да –
Қачонлардир гул бўлган...

Алла айтиб, менимас –
Овутмоқда ўзини,
Бир бор кўргин урушдан
Куриб қолгаи юзини...

Тўхтагин, танк!
Сенсиз ҳам
Кун кўрқинчли бунчалар...
Шом элига шомда ҳам,
Келмас ширин тушчалар.

Қара, қаро қисматни –
Мен йиғласам, у шоддир.
Сени минганди аскарнинг
Юрти балки ободдир?

Юрагида раҳмни
Уйғотиб бер, зўр бўлсанг!
Тош қотмаган меҳрини
Тўлғотиб бер, зўр бўлсанг!

Тўхтагин, танк!
Юрмагин!
Бирор жойинг бузилсин!
Майли, дўстим Ҳасандай
Оёқларинг узилсин!

Алла, алла, алла-ё...
Мадори йўқ онамнинг...
Раҳминг келсин, темирдан
Мотори йўқ онамнинг!

Бешигимга беланиб
Яйраб ётгим келяпти.
Униб, ўсиб боламга
Эртак айтғим келяпти...

Имкои бергии!
Улғайиб, одам бўлиб яшайман!
Танклар эмас, темирдан
Ўйинчоқлар ясайман.

Тўхта, танкжон!
Отмагин!..
Онам алла айтяпти.
Аламзада қалбимга
Фаришталар қайтяпти...

ЭЛИМ

Иабирасин «новвотим», деб суйган элим,
«Қалдирғочим», «қанотим», деб суйган элим.
Юзга юзлаб қолганда ҳам хушчиройим,
Кўнгли эккан боғларидек кўркам элим!

Илигиде Алпомишлар тўклиги бор,
Тўқсонда ҳам тўққиз гўдак шўхлиги бор,
Момоларин фариштадай кўхлиги бор,
Эъзозласам, эриб кетар эркам элим.

Болам десам, боқишилари беғубор, шўх,
Отам десам, дуолари дунёда йўқ,
Удумлари ўзида бор, оламда йўқ,
Топганини тўйларида тўккан элим.

Ўзи киймай, қудасини ўйлаганим,
Куёвларин ўғилдайин сийлаганим,
Аразлари адсоватни билмаганим,
Келинлари олимларни туқсан элим.

Кулча нонсиз олов ёқмас тандирига,
Мехмонлари гард қўндирилас қапгирига,
Қариса ҳам, ёқайин деб камнирига
Ўсма, хино, райҳонгуллар эккан элим.

Уй тўрини улуғига бўшатганим,
Боласини бобосига ўхшатганим,
Кичигин ҳам сизлаб-сизлаб хушлаганим,
Одобини оқиллардан укқан элим.

Султонларни тебратади бешигида,
Эллик қўшни ҳакқи қутлуғ эшигида.
Тупроғини улуғлаб шеър-қўшиғида,
Ҳалол ризқин меҳнат билан йиққан элим.

Кўпнинг дарди қордай ёққан соқолига,
Юрак қурғур бефарқмас юрт камолига,
Ишонади авлодларин иқболига
Орим деса – оқсоқоли чиққан элим.

Дастурхонинг тўлиб турсин ризкинг билан,
Ўзлигингни асра жону-жисминг билан.
Ўзгачасан Ўзбек деган исминг билан –
Сўрисига маҳалласи сиққан элим.

Дарахтларин бир илдизи киндигимда,
Ҳар тиласигим тақдим қилдим кипригимда,
Мен ким бўпман, боримда ҳам йўқлигимда
Яратганга бир хислати ёққан элим,
Бухорийлар, Термизийлар туққан элим!



ҮҒЛИМГА

Ватан азиз – бори билан, йўғи билан,
Юртингни сев юрагингинг чўғи билан!
Ҳақдан кувват келса, исминг руҳи билан
Энг камида Бобур Мирзо бўлгин, болам!

Афсус, Ҳиндга насиб экан гавҳар шода –
Андижонга армои бўлган арслонзода!
Кутлуг Нигорхоним каби дил ларзонда,
Умринг сўрай, ризки расо бўлгин, болам!

Жонимдан жон узиб келдинг бу жаҳонга,
Митти эдинг, менгзар эдим паҳлавонга.
Мен ҳам она бўлсан дея Қаҳрамонга,
Орзуйим бор, уни бажо қилгин, болам!

Алла айтдим узун тунлар айламай арз,
Оқ сут бердим, оқлиғимни этмайин қарз,
Жоним болам, фақат юрга хизматинг фарз,
Юртфурушнинг юзин сазо қилгин, болам!

Атак-чечак ташлагандаги қадамчангни,
Тугал дея шукур дедим тўрт мучангни,
Бир кун уйдан чиқсанг тишлиб ризқ – кулчангни,
Шу ризқ ҳаққин залворини билгин, болам!

Ҳалол луқма тутар отанг – имони пок,
Ҳар сўзини вужудингдан айла идрок,
Ўз ўғлингга бўлай десанг бир кун ўрнак,
Эл чорласа, доим эсон бўлгин, болам!

Қара, кўхна дунё қалби садпорадир,
Одамийзот ўз гўштин еб оворадир,
Гарчи ҳаёт бирда оқ-у бир қорадир,
Ёв-у ётга ёвуқ жазо бўлгин, болам!

Алпим берган Аллоҳ учун жоним фидо!
Ҳар саждамда камол сўраб қилдим нидо,
Одамийлик илми уммон, қилма хато,
Номард эмас, аҳли порсо бўлгин, болам!

Сабоқ берар ёмоннинг ҳам китоблари,
Турли-турфа бу ҳаётнинг мактаблари,
Синов бирла насиб этар матлаблари,
Яхшиларга жони нисо бўлгин, болам!

Каттам ўзинг, катта бўлсин ниятларинг,
Халққа манзур бўлсин фазлу хислатларинг.
Кўпнинг кўнглин олсанг – менга иззатларинг,
Шукронамни кўзларимда кўргин, болам!

Тупроғинг ўп, азиз қилган хокинг ўша,
Боласидан бешик ясад берган гўша,
Юз ёшда ҳам шу муқаддас ишқ-ла яша!
Кафандা ҳам нафасини туйгин, болам!

Куним битса, бу давронлар ўткинчидир,
Бир томчи сув ариқчамиз илинжикидир,
Момом ётган мозоргоҳим кутгувчиидир,
Чин уйимга ўз қўлинг-ла қўйгин, болам!



Икромхон ВАЛИХОН

1976 йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида туғилган. Тошкент Молия институтини тамомлаган. Шеърлари вақтли матбуотда, хориждаги адабий журнallарда чоп этилган. «Қалбим жавоҳири» номли китоби Ҳиндистонда, «Кўҳна ҳис» деб номланган китоби АҚШда чоп этилган. Шеърлари «Voces poeticas de Nuevo siglo» – «Дунё шоирлари антологияси»га киритилган. Дунёга машҳур адаб Ҳорхе Луис Борхес ҳақидаги ёднома китобдан ҳам унинг шеъри ўрин олган. Китъалараро ёзувчи ва шоирлар ташкилотининг «Саҳитя Шри» (Ҳиндистон) адабий мукофотини қўлга киритган.

ЎЗБЕКИСТОНСИЗ

Онам дейму, кўзимнинг икки нури гавҳарими ё,
Юрак-бағримнинг қониму, қонимнинг жавҳарими ё,
Боғимми ё гулистонимнинг мушки анбарими ё?
Топилмас бахту иқболим, ҳаётим Ўзбекистонсиз,
Ёзай ҳар қанча бўлмас бу баётим, Ўзбекистонсиз!

Оёғим остида жоним тўшалган лолазорим бор,
Шу тупроғдин вужудим дардлариға ғамгузорим бор,
Атойим ҳам анойим ул ватандек дўсту ёrim бор,
Топилмас бахту иқболим, ҳаётим Ўзбекистонсиз,
Ёзай ҳар қанча бўлмас бу баётим, Ўзбекистонсиз!

Сочиб нурини заррин оғитобим чиқса осмоним,
Мусаффо кечаларда моҳитобим чиқса осмоним,
Ўқилса мадҳи юртим то хитобим чиқса осмоним,
Топилмас бахту иқболим, ҳаётим Ўзбекистонсиз,
Ёзай ҳар қанча бўлмас бу баётим, Ўзбекистонсиз!

Азиз тут, эй биродар, ҳар қарич ер, боғу сахроси,
Замину осмоним узра кулсин ой-у захроси,
Бу олам бир чаман бўлса, Ватандур онинг раъноси,
Топилмас бахту иқболим, ҳаётим Ўзбекистонсиз,
Ёзай ҳар қанча бўлмас бу баётим, Ўзбекистонсиз!

Равшан оройи қамарнинг теграсида мен деб айт,
Кўрганим нури басарнинг теграсида мен деб айт.

Анжуман айлаб нужумлар зеб ила оролашур,
Бо сабаб ўлған назарнинг теграсида мен деб айт.

Пардайи исматларидин юзлариға минг ҳижоб
Очди деб берган хабарнинг теграсида мен деб айт.

Устухонингдин қафас бўлғон танингдин қочгали
Андалиб чун болу парнинг теграсида мен деб айт.

Гар муҳаббат бўлса уммон, андадур мавжи баланд,
Остида дурри гуҳарнинг теграсида мен деб айт.

«Донайи ангурда маҳсус» бўлмағай ноб, эй Киром,
Шишайи дилда самарнинг теграсида мен деб айт.

Бошладим субҳона тасбех, айтмадинг боғларға ҳеч,
Кетма, булбул, гулузоринг қолдириб зоғларға ҳеч.

Бир сано айтмоққа комим, на забоним бор мани,
Дедилар мажнуннамо на тоқатим соғларға ҳеч.

Кетма деб килган таваллодин бўлиб паргола дил,
Сочилурса ўхшамас мактубу авроғларға ҳеч.

Шуълайи фонуси ишқнинг партави бағримдадур,
Пилтаси рагдин келур, даркор эмас ёғларға ҳеч.

Бир тарафдур андалиб, кўксимми ё анга қафас,
Сайра, жонимнинг куши, берма мени доғларға ҳеч.

Бошладинг субҳона тасбех, эй Валихон, тўхтама,
Кетма, булбул, гулузоринг қолдириб зоғларға ҳеч.

Эй мухаббат, килганинг инъом, кўзимдан ёш келур.
Ҳам жигардин ранглари гулфом, кўзимдан ёш келур.

Субх ўтиб зодим қолур бўлса, қуёшим ботса гар,
Мен надомат ичра қолсам шом, кўзимдан ёш келур.

Байтма-байт тердим алифни, айладим ҳуснингга хат,
Дил вароғида мушаддад лом, кўзимдан ёш келур.

Ху деюб учмоққа шайдур мунда кўнглимнинг қуши,
Кўхнадин қолган иморат дом, кўзимдан ёш келур.

Булбули жонимни тутма, йўқ анга мунда макон,
Боғда топгай гул илиа Икром, кўзимдан ёш келур.

Кетди-кетди дил муҳаббатдин сафар қилдим бу кун,
Кетганимни оҳ била ёрга хабар қилдим бу кун.

Ҳамсафар бўлди йўлимда турналар парвоз этиб,
Боғларим қолди ҳазон ичра, гузар қилдим бу кун.

Устихонимни чалур мутриб навонинг ўрнига,
Най илиа танҳо қолиб, оҳангги тар қилдим бу кун.

Аслида, билдим, муҳаббатсиз яаш осон эмас,
Хонайи ишқдин кечиб, мен дарбадар қилдим бу кун.

Эй Валихон, фурқати бўлма муҳаббатдин чунон,
Фам илиа дарду аламни сарбасар қилдим бу кун.



Занги борон абру найсон атри райхону баҳор,
Зулфи сунбул юзлари гул боғда булбулу нигор.

Осмону ҳам замину жилвагар нури сипехр,
Гул юзида турса шабнам кеткизур гулдин ғубор.

Ёнма-ён ку-кулашиб икки кабутар ўлтуур,
Минқорида ул меҳрни айлаюр ўзга нисор.

Ҳам яна келтурса гулнинг бўйини боди сабо,
Дам-бадам тутгай димоғингга, яна тутгай хумор.

Офтоб тортса юзиға нардайи чун абру барқ,
Сайҳасидин ёшлари оқса кўзидин шашқатор.

Бу дилим зулматсаро-ю қамаридин умидим,
Кўринур нури қуёшнинг назаридин умидим.

Гарчи мен қилсан таманно бенасиб рўзи висол,
Ҳеч умид йўғким тунининг сахаридин умидим.

Гулшани оламда қолган ишқи раъно бирла бас,
Десаму, шабнам мисол чашми таридин умидим.

Кўхна дун дўконида мен нени савдо айлайин,
Ёшдин ўзга сарватим йўқ, гуҳаридин умидим.

Асли арzon хок эрурсан, топмағайсан, эй Киром,
Ёрнинг хоки пойи-ю асаридин умидим.



Сайр этинг гулзор ичинда гул ила гул ёнма-ён,
Үйнатур боди сабо сунбул ила гул ёнма-ён.

Менга на гул васфини этмоқقا иа сўз бор vale,
Дил қафасдин учди-ю, булбул ила гул ёнма-ён.

Хоҳласанг бергум дилимни, чун кабутар боз қилур,
Ишқимиз айвонида кўнгул ила гул ёнма-ён.

Дема шабнам томғани бу кўзларимдин марварид,
Ёшларимдин зийнатинг ҳам ҳул ила гул ёнма-ён.

Ҳижр ила ўтлуг балосидин дилим бўлди кабоб,
Тортилур пайконларингга, сул ила гул ёнма-ён.

Суратингму, эй Валихон, ё тахайюл ичра сен,
Кўрғонингда гулни лаб, гул, гул ила гул ёнма-ён.

Юзлари қирмизи, ол, келди баҳор, хуш келдингиз,
Лаблари ғунча мисол, келди баҳор, хуш келдингиз.

Андалиб созини соз айлаб келур, созига соз,
Рақсида сиз навниҳол, келди баҳор, хуш келдингиз.

Тонг ила боди сабо келтурса менга бўйини,
Эсганида ул шамол, келди баҳор, хуш келдингиз.

Замҳарир ҳижронингизнинг заҳми қолди кўнглима,
Келганидин кўп малол, келди баҳор, хуш келдингиз.

Лоладек бағрим тилинди, хуни алвон томчи лаб,
Теграсида тушди хол, келди баҳор, хуш келдингиз.

Эй Валихон, ўлтуурсен, гул юзига рўбарў,
Хуш келинг деб сўрса хол, келди баҳор, хуш келдингиз.

Шаҳодатбону ИМОМНАЗАРОВА

1982 йилда Фарғона вилояти Учқўприк тумани Собиржон қишилогида туғилган. «Райҳон нафаси» (2006), «Осмон эшиги» (2016) шеърий тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий ходими.

МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА

Муҳаммад Юсуфдан сўз кетса бугун,
Бир умр ястанар – узундан-узун,
Ўзи тор кулбада яшаб, сўз учун
Улуғ бир кошона солдириб кетди.

Оддийгина эди ишқин талқини,
Жондан ҳам азизроқ кўрди халқини,
Барчага улашиб шодлик, завқини,
Фамларга юрагин олдириб кетди.

Кўнгилга яқинлар йироқdir кўздан,
Бизга боқиб турага хикматли сўздан,
Ҳеч кимнинг кўнглини колдирмай ўздан,
Бир сандиқ китобин қолдириб кетди.

Ҳар фаслида унар кизғалдоқ, лола,
Битиклари ҳануз таратгай нола,
Бир ўйчан, камтарин қишлоқи бола
Бу дунёни ўйга толдириб кетди...

ШУКРОНА

(Истиқлолимизнинг 25 йиллиги муносабати билан)

Сара тонглар келиб-кетар хотиржам,
Тунлар қаролиги унга юқмайди.
Кексайган дарахтлар замҳарида ҳам
Баҳорни бағрига босиб ухлайди.

Оқибат нуридан товланган меҳрим
Мұхаббат юртига айлайди сафар.
Саждага эгилсам, кифтим узра жим
Боқиб турғандай бир қадрдон назар.

Пок неъматга куфр келтирғансимон,
Қайдандир ёғилар таъналар, зорлар.
Бироқ шамолларинг эсар беармон,
Осмонингдан ёғар фақат оқ қорлар.

Күнгилда баҳорлар уйғонар эрта,
Йүллар қийин, бироқ мушкуллар осон.
Ўз неъматин дариғ тутмаган ерга
Раҳмат ёмғирларин ёғдирап осмон.

Некираво эрса, буткул бор-будин
Ўзидан ахтарар саришта жонлар.
Кўрсатар адоксиз бойлигинг тубин
Устюрт сахросидан қазилган конлар.

Сабр-у күшойишлар таратгай наво,
Тугилгай хасталик, ноchorлик думи.
Не-не дард-у ғамга баҳш этар даво
Каттақум чўлининг шифобаҳш куми.

Саховат шамоли беҳадик эсар,
Ободлиқдан масрур чаманлар аро.
Само кенглигига жилмайиб кезар
«Самарқанд» аталмиш яиги сайёра.

Яхшиларнинг куни қолмас ёмонга,
Адолат аталса замон сарвари.
Шонингни таратгай ҳар тўрт томонга
Яратилган янги пахта навлари.

Оғир лаҳзаларда синаалган сабринг
Сийм ила зарларин тутмагай дариғ.
Ҳайрат мезонида ўлчанар қадринг,
Наманған беҳисин салмоги янглиғ.

Биз билан бир тан-у бир жонсан азал,
Манзилга кемадек талпинар кунлар.
Қүёшга интилган каби ҳар маҳал,
Тонгларга уланган хайрли тунлар.

Чорак аср ўтди орадан, мана,
Барорлар манбаин аигламоқ баҳтдир.
Шаффоғ кўнгил каби яркирар яна
Менинг манглайимга битилган тақдир!

Бир хаёл кезади – зулфи наришон,
Тийнати мунаққаш, ёрқин, беҳадик.
Бенишонлик ичра қолдирап нишон,
Кўқоннинг қадрдон шамоллариdek...

Она, ёдингизга қайтаман тагин,
Тафтингизи кўмсар умримнинг қиши.
Узун туилар сўйлар сизга эртагин,
Ўзингизга қолгаи рўзгор ташвиши.

Ҳануз димоғимда топар ўз қадрин,
Сиз ёпган қўшалоқ қулча ҳидлари.
Мехрингиз тўрт ёнга таратар атрин,
Ховлимизда ўсган беҳи сингари.

Хаёлим ёришар сизни эсласам,
Интизор дилимда уйғонар умид.
Жисму жонингизда жўшар ҳар қадам,
Чексиз файрат билан заргарона дид.

Сиз сўзсиз хаёлга ботган лаҳзалар
Кўзларим ўнгидан кетмайди нари.
Мавлуд айёмидан келтирап хабар
Ноябрнинг сокин, намчил тоиглари.

Сизда тирикликтининг завқин этиб хис,
Улгурмас югуриб ортингиздан вақт.
Энг баҳтли аёлдай яшар эдингиз,
Ҳалоллик, соддалик аталганда баҳт.

Қисматтинг хазонрез гўшаларида
Тирикликтининг аччиқ шамоли эсар.
Ёдимнинг сертупроқ кўчаларида
Сочлари оқарган бир хаёл кезар...

Ошиб кетолмайсан ҳаддингдан ҳатлаб,
Ўзингдан, ўзгадан зериккан вақтлар.
Осмон билан ночор хайру хўш айлаб,
Кўлларин силкитар кузги дарахтлар.

Оғир ўйлар босар, кезарман танҳо,
Ҳавода муаллақ – на баланд-пастман.
Бутунлик қолмаган бутун даҳр аро,
Хаёлингдаи бутун чиқмокчимасман.

Остимизда замин олайиб қарап,
Үстимизда осмон турар айланиб.
Юраклар ҳолидан буткул бехабар,
Майда гап сингари кетдик чайналиб.

Бир зум кўз очирмас кўзим ўнгига
Кўнгилнинг ойнасин қоплаган ғубор.
Бир хаёл тентирар ёдим бўғзида...
Чайналма... Ё тупур... Ё ютиб юбор...

ҚАЙТИШ

Түзғин хаёлимни йиғаман бир-бир,
Худди чексизликни қамраган девор.
Серсүз түдалардан тополмай тадбیر,
Сокин узлатларни құмсайман, эй, ёр!

Согиниб яшайман олис қадримни,
Шаффоғ ёдим юзин қопласа ғубор.
«Нечун үғирладинг менинг қалбимни?!»
Деган тухматларни құмсайман, эй, ёр!

Баъзан замонавий, баъзан қадимий
Шовкин-суронлардан бўлганда безор:
Орзуларим билан кечган самимий,
Сўзсиз сухбатларни құмсайман, эй, ёр!

Нафсу шон йўлида ором билмаган,
Кибру ғуруридан тонмаган ким бор?!

Ўткинчи дунёни ҳавас қилмаган
Ғариб турбатларни құмсайман, эй, ёр!

Ўзингга айландим – кечганда ўздан,
Бир карорга келдим – бўлгач бекарор.
Кўнглимга қадрдон бўлса ҳам, кўздан
Ғойиб ғурбатларни құмсайман, эй, ёр!..



Олтинбек РУСТАМОВ
1959 иили Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида туғилган.

ДИЛДОРА НОМА ЁЗДИ

Дилдора номасининг ҳар жумласи дилни ром этди,
Чиқди жон қоғози узра ўпид ҳарфин хиром этди.

Каломи ёндириди қалбим, салом соғинч ўтина кўзгаб,
Видоси кўзда ёшимни оғуга тўлган жом этди.

Ёздиму «Кут, келурман» деб, титрабон очди бармоқлар,
«Боролмасман, алвидо!» сўзи мени тамом этди.

Висолин кутиб, байтлар битганим орзули тонгларни
Бу нома ичра битилган аlamli сўзи шом этди.

Келмасайди бу хабар, ўқимас эрса кўз кошки,
Бошима ғам тоши тушди, алиф қаддимни лом этди.

Жавоб ёзмоққа ҳолим йўқ – қалам жон берди кўлимда,
Хижрон уйланди қайғуга ва бу авлод давом этди.

Бўшатди жойни орзулар, ҳувиллаб қолди дил уйи,
Алҳол жойлашди армонлар, кинояли салом этди.

Оқ қоғоз берманг менга, узманг қаро ёр қошидан,
Дея байт ёзай десам, оху фифон қилди қалам.

Ҳажрида қилмай ҳаё оқкан кўзимнинг ёшидан
Садпора бўлган дили бағримни қон қилди қалам.

Ўртаниб рашк ўтида, куйган жигар қалб лаҳмини
Ёр кўлида икки тиғли ханжар бўлиб тилди қалам.

Ёзмади ёр исмини, келтирмайин деб қаҳрини,
Күйдирганин ўз жисмини, билса ўзи билди қалам.

Чирқираб турган висол лаззатидан бенасиб
Рухимга раҳм айламай, не қилса ҳам қилди қалам.

Оқ қоғоз юзини қора қилмайин деб адашиб,
Чизди дор ёр зулфидан, анга ўзин илди қалам.

Кўйгани байт сўнгида кўнмай сўроқ тамғасини,
Ёр лабида хол мисол нуқта сари жилди қалам.

Шошмагин ошно бўлишга бағри куйик қалам билан,
Сен каби шоирни, Олтин, тифи билан тилди қалам.

Инсон, сен гўзалсан,
Чиндан-да гўзал.

Чун сени яратган сендан-да гўзал...
Юзинг кундуз, сочинг тунни яратмиш –
Оппоқ кундуз – қаро тундан-да гўзал.

Тиз чўктириб сенга фаришталарни,
Йўлдош қилиб жуфти – саришталарни,
Хоки вужудингга солиб муҳаббат,
Боғламиш чамбарчас дил ришталарни.

Алифдек қомат тун нундан-да гўзал,
Истироҳат бўлмас бундан-да гўзал...

Ўқиб настаълиқда ёзган хатингни,
Тасаввур айладим малоҳатингни.

Тиладим – ширин висол ила сийласин
Ишқ йўлида қилган зўр тоқатингни.

Ширину Лайлilar тўтиё айласин
Кўзга сенинг томчи садоқатингни.

Кечир, сени айлаган ҳижронга асир –
Кулни, ўйлаб сенинг фарогатингни.

Мусоғир юртда ҳар ердан излаб ризқ,
Соғинган жаннатий тароватингни.

Улуғ кунлар ҳурмати мусоғирингдан,
Раббим, дариг тутма саховатингни.

Ҳар дам умидворман марҳаматингдан,
Учраштири кўрсатиб маҳоратингни.

Хаёлим хаёлга уланиб, ўйим ўйимга сиғмайдур,
Оҳим оташга айланиб, вужуд уйимга сиғмайдур.

Дилимда сўз, тилимда сўз, тўқиган байту ашъорим,
Не ажабки, на бир созим, на бир куйимга сиғмайдур.

На Машрабман, на Бобур, на дашту Ҳиндда ҳокимман,
Уловим бир оғоч бешик – чўзилсан, бўйимга сиғмайдур.

На карнай, на ногора-сур нағмасин кўтаролмас дил,
Сикқан ул онча базмга, менинг тўйимга сиғмайдур.

Турфа рангда жилоланган бу олам етти хил ранги
Қаҳрабодан ранг талашган рангу рўйимга сиғмайдур.

Томчи кўз ёшимга сиққан, мани сиғдирмаган олам
Жаҳаннам узра тортилган қилки – мўйимга сиғмайдур.

Қўлим синди қоқиб бу кун ҳақиқат дарвозасини,
Ёпай десам, тулкининг териси кўйимга сиғмайдур.

Ёй десам жаҳонга бу можаро овозасини,
Тушгум келмас тубанга, бу ор-у обрўйимга сифмайдур.

Ҳаво тўла осмон, унга ой балдок,
Бир ютумин қизғонади, бу қандоқ?!
Бўлсанг менга чин дўст, агар чин ўртоқ,
Озроқ ҳаво сўраб бергин, қизғалдок...

Суянганим бир сен қолдинг оламда,
Мехр-муҳаббат, вафо қолмабди одамда,
Япроғингга – қадри ўтди шу дамда,
Томчи меҳр ўраб бергин, қизғалдок...

Япроқларинг юрагимнинг қонидай,
Умрииг қисқа Мухаммаднинг жонидай,
Хокисорсан, бағринг ғамнинг қонидай,
Бир ғамимга яраб бергин, қизғалдок...

Ҳасратларим айтсам қолмагин сўлиб,
Сенга келдим юрагим қонга тўлиб,
Қабрим узра қалбимга тимсол бўлиб,
Ёр келганда туриб бергин, қизғалдок...



ОЛЛОЁР (Оллоёр Рустамов)

1968 йилда Андижон вилояти Шаҳриҳон туманида туғилган.

АЙЁМИНГ МУБОРАК!

Ҳаловат ўзингда, ором ўзингда,
Жаннатга қиёссан, менинг ватаним.
Ўзига бек бўлган фақат ўзинг-да,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним.

Буюк тарихинг бор сенинг бошингда,
Нурли келажақдан нурли нишоним.
Тоғни талқон этур сенинг ёшингда,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним.

Бекликка жуда мос, жаннат қиёссан,
Ғурурим, оримсан, ҳам ифтихорим.
Тинчликнинг макони десам, сен моссан,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним.

Сен ўзинг аждодлар орзу қилган юрт,
Сен ўзинг буюксан, меининг ошёним.
Яшнайвер, Оллоҳим назар солган юрт,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА

Гар шоирлар йифилса бир пайт,
Шеър ўқилиб, бўлса баҳру-байт.
Муҳаммаднинг соғинганин айт,
Муҳаммадни бир эслаб қўйгин.

Марҳаматга гар борар бўлсанг,
Адирларни лолазор кўрсанг.
Ўтганларга тиловат қиласанг,
Муҳаммадни бир эслаб қўйгин.

Она ҳақда шеър ёзолмасанг,
Ватан мадхин ўхшатолмасанг...
Софинчингни шеър қилолмасанг,
Мұхаммадни бир эслаб қўйгин.

Райҳонлардан бўлганда сархуш,
Лолалар ҳам сирдош бўлармиш.
Шеърларингни ой ҳам тинглармиш,
Мұхаммадни бир эслаб қўйгин...

Бир кунгина бўлсанг унинг ўриида,
Булутдан жой тўшардииг, уйиинг тўрида,
Давлатинг, омадинг унинг борида –
У сенинг онангдир, у сенинг онанг,
У сенинг онангдир, сенинг бир донанг.

Сен билан бўлишган сочин қаросин,
Сенга тухфа этган кўзин зиёсин,
Ҳар куни, ҳар саҳар олгин дуосин –
У сенинг онангдир, у сенинг онанг,
У сенинг онангдир, сенинг бир донанг.

Унингдай қалби пок яна қайда бор,
Унингдай беминнат меҳр қайда бор?!
Юзидаги чирой фақат ойда бор –
У сенинг онангдир, у сенинг онанг.
У сенинг онангдир, сенинг бир донанг!



КЕТМОҚҚА ҚҮЙМА!

Ранжисам бир куни, ёр, озорингдан,
Кўл силтаб, кетмоққа айласам жазм,
Сен мени юборма ишқ бозорингдан,
Адашмоққа қўйма, кетмоққа қўйма!

Рашк куйдириб кул этса гар таним,
Ҳатто ўзимдан ҳам кетсам қизғониб.
Сен мени ишонтир ишққа, дил-таним,
Лек асло, хеч видо айтмоққа қўйма!

Мехрли нигоҳинг қада бағримга,
Энг ширин изҳордан айтгин аллалар.
Қайтаргин илк бора қўрган чоғимга,
Сен мени зор йиғлаб кетмоққа қўйма!

Кўз ёшим юзимни ювсалар, жимман,
Беадад саволлар айласа асир.
Айтгин-чи, ишқингсиз мен ўзи киммаи?
Раҳм эт, бунчалар қийноққа қўйма!

Қуёш бўл, тафтингда эрий шу замон,
Сен ой бўл, нурингдан туним чароғон.
Лабларга лаб босиб, ишқингдан нишон,
Кўл силтаб, сен хайр демоққа қўйма.

Райхон бўл, ифоринг айласин сармаст,
Ялпиз бўл, ёнингдан кетолмай асло.
Соқий бўл, лабларда май тут ҳар нафас,
Хушдан айир, хушёр бўлмоққа қўйма.

Ўсма қўй қошингга йўлларим чизиб,
Рўмолинг тагидан боқиб сеҳрла.
Хино қўй кафтингга исмимни ёзиб,
Ҳижроннинг исмини юракка ўйма!

Ранжисам бир куни, ёр, озорингдан...

ИЗЛАДИМ

Беором, бедору ёлғиз дил учун,
Ишққа зор-интизор бу күнгил учун,
Мехрли, вафода аҳди бор бутун,
Бир күнгил изладим, бир дил изладим.

Эң шириң изхорлар атагувчи дил,
Йүлимга интизор қайда бор, айтгил?
У билан шод бўлса бу ғариб күнгил,
Бир сеҳр изладим, меҳр изладим.

Дилимга санчилган саноқсиз тиғлар,
Азобдан бу ёлғиз күнгил ҳам йиғлар.
Бир меҳр бўлса-ю, битта-битталаб
Тергувчи малҳаму киприк изладим.

Умр ўтмоқдадир, бу мағрур бошим,
Ором олса эди, тўхтар кўз ёшим.
Айтгувчи, тонгдайин бўлса сирдошим,
Бир бағир изладим, бир қалб изладим.

Кўксимни илитса беминнат қуёш,
Ой каби тунлари у менга сирдош.
Дўст бўлса – ҳам ёру, ҳам бўлса дилдош,
Жаннатдош изладим, иймон изладим.

Умр ҳам ўтмоқда мисоли карвон...
Кўксимни эзмасдан нола-ю армон.
Манзилга етмоқ-чун ёруғ юз, иймон,
Бир ҳамроҳ изладим, сарбон изладим.

Бир умр қиши бўлди, қаҳратон ҳаёт,
Эң мунгли нолалар мен битган баёт.
Изгирин боғимни қуритмай, ҳайҳот,
Бир кўшиқ изладим, баҳор изладим.

Меҳрсиз музлаган бу таним учун,
Минг бўлак бўлинган бир жоним учун,
Фалакка ўрлаган бу оҳим учун,
Ҳаяжон изладим, титроқ изладим.

Бир кўнгил изладим, бир дил изладим...

МУСОФИРЛИК

Бегона юрт, бегона
жойлар,
Ўгайдайин сигдирмас
ўрмон.
Қаердадир какку ҳам
сайрап,
Мени соғинч
қийнайди ёмон.

Сабрнинг ҳам сабри
тугади,
Қаноатнинг кўзи тўла
ёш.
Соғинчларим муштин
тугади,
Бўхасини кўтарган
бардош.

Қарағайлар дардим
тушунмас,
Оққайнилар ҳайрон
боқишар.
Соғинч нима – асло
билишмас,
Олмаҳоилар ёнғок
чақишар.

Ер остидан боқар
қўзкорин,
Боласини етаклаб
чиқиб.
Қаердадир чорлайди
ёрин
Айик меҳру асални
йифиб.

Баланд-баланд
арчалар аро
Жимитдайин бўлиб
турман,
Учиб бориб сатрлар
аро
Ватанимни маҳкам
кучаман.

Менга эмас
таъзим, мўлтираш,
Менга эмас бу қадар
соғинч.
Шартта битдим катта
ва яккаш:
КЕТАМАН! Ва бу бир
йилги юпанч.

Йиллар ўтар, ўша
кулба ҳам,
Ўрмонлар ҳам
ҳолимга кўнди.
Шеър
tingлашар тушунмаса
ҳам,
Ўгайлигим билинмас
эиди...

Бегона юрт, бегона
жойлар,
Үрмои күрар
үз боласидай.
Қаердадир какку ҳам
сайрап,
Аввалгидай соғинч
ҳам йүқдай.

Юлдузлардай нур
соchar соғинч...



Бахтигүл МИРЗАҚҰЛОВА

1977 йилда Навоий вилояты Нурота тумани Пойғакұдуқ қишилогида туғилған. «Хаёллар дунёси», «Ранжима, баҳор!» номлы шеърий тұпламлари нашр этилған.

МУҚАДДАС ТУМОР

Бир сиқим тупрок...
Софинч сувидан қонаётір жон.
Тирноқлари суғорылған бармок,
Аста-секин томаётір кон.

Қип-қизил тупроқ...
Гуллаб кетди қип-қизил тошлар.
Туркийлар күрган азобга
Йиғласа арзиди бардошлар.

Озодлик истадим... Отилдим –
Лек унинг душмани, қотил ким?!
Эрк изладим, изсиз йўқолдим,
Охир юраклардан топилдим.

Бу Ватанга озодлик беринг!
Ўзга дунё қиласи торлиқ.
Музхонада музлаган жасад
Юрак оташидан ўртана пар борлиқ.

Унинг тупроғида дараҳтлар тугул,
Томирсиз тошлар ҳам гуллаб кетади.
Бўй чўзган гулларнинг кўланкасида
Қуёшни соғиниб тупроқ ётади.

Тупроқ йиғлайди...
кўз ёш ила суғорилар,
Қадди энгашмаган...
шохлари тарқоқ чинор.
Бир сиқим ол, бир умр сифин,
Шу тупроқ бўлсин муқаддас тумор!

СИЗ ЙИГЛАМАНГ

Ёлғиз табассум жонимга малҳам,
Баҳор гуллари бўлолмас ҳамдам,
Гуллар баргига йиглайди шабнам,
Фақат сиз йигламанг, онажон!

Артаман деманг аччик ёшимни,
Ҳеч ким енголмас заранг дошимни,
Гулга дўндиригум рақиб тошини,
Фақат сиз йигламанг, онажон!

Кўтарар кўнглим дўстларим жамдур,
Бийрон тилларнинг тилаги баҳтдир,
Қадаҳ тубида йиглайди тақдир,
Фақат сиз йигламанг, онажон!

Ажин чизилган муnis юзлари,
Тортган азобим, чуқур излари,
Юрагимниг ёш тўла кўзлари,
Фақат сиз йигламанг, онажон!



ҚАЛБ СУРАТИ

Яна сен...

яна ўша тор йўлак.

Чирт-чирт узилиб тўкилган япроқ,
сочимизни силкитиб ўйнаган эрка еллар,
Яна ўша кулранг осмоннинг
кипригига осилган мудроқ.
Соғинч шароби дея.
кўм-кўк саробни симирган
лабларга қўнган сархуш титроқ.

Сукунатга ўралган исён,
чақмоқ чақади бирдан,
Биз севган ўжар кузнинг
қилиғи шундай.

Бизни қизғонган баҳорнинг
башорати чиқади тўғри.
Шунда ҳаммаси ғойиб бўлар бутунлай,
сен ҳам қаергадир йўқолиб қоласан,
Ойнинг ўғли!!!

Яна мен қоламан ёлғиз,
Кел, мусаввир, сенга берайин
кузнинг олтин-сарғиш рангини.
Сен севгимнинг суратини чиз,
Шу сурат олдида,
туйғуларни чўқтириб тиз,
Кулранг осмонларимдай,
тўлиб-тўлиб йиғласин,
Ойнинг ўғлини кутаётган бир қиз!

Тош қотган сурат,
маҳзун термулган ой...
Лаби учиб тушган қадаҳ,
юракка санчилган ёй...

Юракнинг томчилаган кўз ёшидан,
ярим бўлган қадаҳ...
Шу бўлар, ҳойнаҳой,
сукунат чўкиб кетган жой.

Ох, менинг азизим,
хаёллар дунёсини ташлаб,
қаёққа ҳам кетамиз?!
Баҳорга алишмас,
куз фаслимиз бор,
барглар тўкилишин интиқ кутамиз.
Шунчаки телба деб ўйлама,
саҳрода дайдиган Мажнун телбадир,
Япроқлар тўшалган ишқнинг
йўлларидан ўтамиз.
Ранжима, Ойнинг ўғли,
мен сени шундай севдим,
демак, биз ютамиз.

Фақат мен бўлсам,
яна сен бўлсанг,
шундай дунёлар бўлса мавжуд.
Мен термулиб ўтирсам,
сен ҳам термулиб турсанг,
шу лаззат завқидан титраса вужуд.

Изтироблар дунёсида излаб...
топдим сени,
сен йўқлик зарраларидан кашф қилиндинг.
Мен ҳаммани ёмон кўриб,
барчага муҳаббат илиндим.
Севиб яшаш яхши,
соғиниб яшаш ундан ҳам яхшироқ.
Мен сени шунчаки соғиндим.

Бечора мусавир...
Севгининг суратини
чиза олмайсан барибир.
Чиза олмайсан...
камалакнинг рангига кўмилиб,
Ўйлаб топсанг-да мингта тадбир.

Севиш, севилиш,
кисматми ё тақдир?!
Бесамар тентираган Мажнун,
сенингча ҳақдир.
Севги нима ўзи...
Балки кўз ёшларга
ярми тўлган қадаҳдир!

Кўллардаги қадаҳлар каби,
кўнгиллар ярим.
Ярим кўнглимга баҳш этган
тўзим бўлдинг,
Ойнинг ўғли...
Изтироблар дуиёсидан
излаб топган,
энг чиройли сўзим бўлдииг!!!

Ана...
ўша тор йўлак,
Яна сен келяпсан,
Қадаминг товушини тўкилган
барглар сезмайди.
Ҳеч кимга бермаймиз кузнинг рангини,
ҳеч бир рассом
қалбимизнинг суратини чизмайди!



Захро ШАМСИЯ (Зухра Шарипова)

Навоий вилояты Нурота туманида туғилған. Самарқанд
иқтисодиёт колледжини тамомлаган.

Шамол ила учди ҳисларим,
Манзилингиз менга бегона.
Хаёлимда севги қушларим
Бўляяпти сизга парвона.

Хол сўрашга етмайди ҳолим,
Тилим забун, бу кўнгил забун.
Сочимдаги ҳар битта толам
Софинч ичра бўлмоқда дилхун.

Саволи кўп, саволим бисёр,
Кийнамоқда ўртаб юрагим.
Айтиинг-чи, сиз, менга дилозор,
Бормикан ҳеч сизга керагим?..

Рашк оловин пуркайди тинмай,
Ёниб кетар қоғоз, қалам ҳам,
Қуйиб беринг муҳаббатдан май,
Сўниб кетсин оташу алам!

Шамол ила учди ҳисларим,
Манзилингиз менга бегона.
Хаёлимда севги қушларим
Бўляяпти сизга парвона...



Қароғимсан дунёни кўрган,
Мехри азиз, сен меҳрибоним.
Юракларда гул макон қурган
Онажоним, Ўзбекистоним!

Ҳар қаричинг жанинатга монанд,
Бетакрорсан, сен ифтихорим.
Ишқим доим сенинг билан банд,
Онажоним, Ўзбекистоним!

Шарбат оқар дарёларингдан,
Гулистоним, жоним, оромим...
Кечмагайман тофу тошингдан,
Онажоним, Ўзбекистоним!

Наво янграр наҳорларингда,
Садқа бу жон, садқадир борим.
Ўлсам, яна ватаним ўзинг,
Онажоним, Ўзбекистоним!

Баҳор, сени яхши кўраман,
Фақат кўпроқ қолмасинг ёмон.
Ҳар келишинг мен учун умид,
Кетсанг, яна рангларим сомон!

Баҳор, сени яхши кўраман,
Саболаринг нурга чорловчи.
Сени ҳар гал интиқ кутаман,
Гўёки сен ишққа ундовчи.

Баҳор, сени яхши кўраман,
Хазонрезги дилимда ифор.
Бағрим очиб, сени қучаман,
Қизғалдоғинг бўйнимга тумор.

Баҳор, сени яхши күрамаи,
Дил ўртанаар муштоқлигимдан.
Бирдан бахтга тұлиб кетаман,
Яна бир бор құчмоқлигимдаи.

Узок қутдим мен, жуда узок,
Қор тагида уйғоқ баҳорим.
Кел, талпиниб очайин қучок,
Нурга тұлсиян шому наҳорим!

Хидларингдан түйиб симирай,
Телба күнглим олсии-ей ором.
Сенга атаб ашъорлар ёзай,
Аламлардан олиб интиқом...

Узун тунлар емирди дилни,
Тонғ отишин интиқиб кутдим.
Тилка-тилка айлаб күнгилни,
Конларини тинмайин ютдим.

Бир бокира ишқ бергил менга,
Бергил, ичай меҳрингдан қониб.
Мен шайдоман, нетайин, сенга,
Кутаяпман соғинчдан ёниб...
Кор тагида уйғоқ баҳорим!

ДУГОНАМГА

Жилмайиб құясиз боқиб узокқа,
Гоҳида кимгадир сүйлаб құясиз.
Воҳ, бугун күнглингиз тушди тузокқа,
Дугонам, кимиидир севиб қолибсиз!

Кўлдан тушиб, синар пиёла, чойнак,
Кўйлакнинг чокларин ёпиб қўйибсиз,
Бошингизни эгиб мисоли ойдек,
Дугонам, кимниидир севиб қолибсиз!

Хаёлингиз учар олислар томон,
Энтикиб, жавобин тинмай кутасиз...
Эх, бу севги дарди жуда ҳам ёмон,
Дугонам, кимнидир севиб қолибсиз!

Қизариб юзингиз, титранади лаб,
Сўз айтмай, ерни сиз тинмай чизибсиз.
Кўнглингиз ишқалаб, кўнгил куйталаб,
Дугонам, кимнидир севиб қолибсиз!

Кулоғингизга гап кирмайди сира,
Ҳаттоки Лайлидан ишқда ўзибсиз.
Табригим бир дунё... Қийноқ муборак!
Дугонам, кимнидир севиб қолибсиз!



Сарафroz (Мунира ТОҒАЕВА)

*1968 йилда Самарқанд вилояти Пахтачи туманида
түзилган.*

МЕН ҲАМ БИР ШЕЪР ЁЗАЙ, ОНА

Мен ҳам бир шеър ёзайин, она,
Мисралари олтиндан бўлсин.
Хаёлларим бўлиб парвона
Бутун олам шодликка тўлсин!

Мен ҳам бир шеър ёзайин, она,
Муҳаммаднинг йўлини берсин!
Менинг қалбим эмас ғамхона,
Андуҳлардан йироқроқ турсин!

Мен ҳам бир шеър ёзайин, она,
Қаламимдан чақнасин ўтлар!
Душманларим куйсин тўлгона,
Мехрин дариф тутмасин дўстлар!

Мен ҳам бир шеър ёзайин, она,
Ҳеч бир шоир тушда кўрмаган –
Дардларим ҳам кетсин шу онда,
Ёзганимдан кўнглим тўлмаган!

Мен ҳам бир шеър ёзайин, она,
Азиз руҳинг мададкор бўлсин.
Ғам-андуҳсиз боқай жаҳона,
Маъюс кўнглим бир яйраб кулсин.

Мен ҳам бир шеър ёзайин, она...



Сўз сехрига бўлиб маҳлиё,
Қаламим ҳам ишқида ёиди.
Тонг нурига йўғрилди гўё,
Бир шеърдирки, юрак уйғонди.

Мисраларда Ватан намоён,
Кувончлардан шамолдек елди.
Соғинч ҳижрон ила ёнма-ён,
Мен Ватанни куйлагим келди.

Она юртим, гўзал Пахтачим,
Тупроғингда ҳамон изим бор.
Лекин сендан битта ўтинчим
Унутмагил, сендан қарзим бор.

Кенг далангнинг оғушларида
Болалигим яйраб ётибди...
Дарёдаги оқкушларида
Соғинчларим сайраб ётибди.

Қанча сендан узок бўлмайин,
Шунчалар ҳам яқиндайинсан.
Баҳор ўтиб, кузак келмайин,
Кўк саҳнида чақиндайинсан!

Оҳ, ёшлигим ўтган кунларим,
Эсласам гар яшнаб кетаман.
Соғинчлардан сўзлар тунларим,
Ёниб-ёниб шеърлар битаман...



СОГИНЧ

Соғинч кўқламдайин гўзал, фусункор,
Ёрнинг йўлларида айлар сени зор.
Юракни кемирар, рухни инжитар,
Унинг ширин-ширин қийноклари бор!

Соғинч бамисоли катта кемадир,
Унга ортилгандир меҳр-муҳаббат.
Соғинганим сайин меҳрим ортадир
Соғинганим сезиб, келар-да албат!

Соғинч бу тўлқиндир, уммонлар оша
Қирғоқлардан тоша, излаб йиғлаган.
Соғинч бу илк севгим, ха, албат ўша –
Мени юрагида маигу сақлаган!..

Қанча мисраларни битди шоирлар,
Муҳаммад Юсуфга тасанно айтиб –
Улар шон-шуҳратга мудом мойиллар...
Наҳот, шоир энди келмайди қайтиб?!

Лолақизғалдоғин соғинмасмикин,
Қизларин кўзида қувончни кўриб?
Шоир яна қайта туғилмасмикин,
Ажойиб ашъорга айланиб туриб?!

Соғинчдан ўкиниб кетди баҳорлар,
Шоирии тополмай, кўзида ёши.
Кирғоқларга сиғмай, тошар анҳорлар,
Оғир бўларкан-да жудолик тоши.

Лек у асло ўлмас – меҳр бор экан,
Вакт бериб боради заррин сайқални.
Дунё дунё бўлиб кўрганми, айтинг,
Меҳрдан ясалган улкан ҳайкални!

Муҳаббатнинг кулбасига қадам босмам,
 Юрагимда армонларнинг излари кўп.
 Ҳайкалтарош тарашлаган ганжли тошман,
 Ҳижронларнинг атагани, тишлари кўп.

Қалдирғочман – эрта баҳор меҳмон бўлгум,
 Бир ёлқинман, ўз ўзидан чўқقا тўлгум,
 Иродамни енголмайди минг битта дард,
 Лек сени деб, мен охири гулдек сўлгум.

Мажнунтолдек қаддим эгик, билмайсан-да,
 Бир бор мени назарингга илмайсан-да,
 Қалбгинамни пармалайди рашик азоби,
 Шоир бўлиб, менга байтлар битмайсан-да.

Оқкуш бўлиб самоларга учиб кетай,
 Ойномога чўри бўлиб кўчиб кетай...
 Дардларимни англамадинг дилим дилхуи,
 Фамларимни бағрим узра кучиб кетай.

Яхши қолгин, яхши кундан ёдгорлигим,
 Шунқор эдинг, хайр, дилга озорлигим.
 Тилакларим – олам-олам бахтга тўлгин,
 Сендан менга хотирадир бедорлигим.

Юрагимда армонларнинг излари кўп...



Алишер АБДУЛЛОХ (Алишер Құчкоров)

1992 йил Фаргона вилояты Бувайда туманида туғилған.

Шеърлари «Ҳаёт чашмалари», «Истеъдод учқунлари» түпнамаларига, Ҳиндистонда чоп этилған «XXI аср жағон адабиёти антологияси»га кириллік.

МУҲАММАД ЮСУФДЕК ШОИР БЎЛАМАН

Халқ дардин ёзаман қоғоз қоралаб,
Ўзим-ку бир кўнгли ярим боламан.
Устозлар изидан эргашиб мен ҳам,
Муҳаммад Юсуфдек шоир бўламан.

«О, ота маконим,
Онажон ўлкам»,
Сенга қанча ёzsам яна шунча кам,
Номингни мадҳ этай, йўқ дема, мен ҳам
Муҳаммад Юсуфдек шоир бўламан.

«Майли-да, кимгадир ёқса-ёқмаса...»
Бир кун омад боқар бугун боқмаса.
Сара шеърлар ёзиб, худо хоҳласа,
Муҳаммад Юсуфдек шоир бўламан.

«Райхон ҳидларингни йўлларимга сеп»,
Гўзаллигинг берсин ашъоримга зеб,
Шеър ёздим устознинг хотираси деб,
Муҳаммад Юсуфдек шоир бўламан.

«Менга бир табассум ҳадя эт, эй ёр»,
Сендан илҳом олиб битайин ашъор,
Устозлар пок рухи бўлсин мададкор,
Муҳаммад Юсуфдек шоир бўламан.

«Мендан нима қолар, икки мисра шеър»,
Десалар бир содда шоир бола дер,
Орзу қилиб айтди шунн Алишер,
Муҳаммад Юсуфдек шоир бўламан.

КҮНИККИН, ДИЛИМ

Бечора күнгилнинг куйгани қолди,
Бевафо дилдорни суйгани қолди,
Юрак мұхаббатдан чарчади, толди,
Күнгил ойнасини синдириган чил-чил,
Севмасдан яшашга күник энди, дил.

Нечун буидай аччик бўлди қисматим,
Маъқул келмадими бирон хислатим?
Мен-ку Мажнун каби севмоқ истадим,
Аммо ишқ боғидан қолдирди күнгил,
Севмасдан яшашга күник энди, дил.

Дардимни шеърларга кўчирай энди,
Исмини юракдан ўчирай энди,
Бахтга етолмадим, армонлар енгди,
Севгинг унут бўлар ўтиб ича йил,
Севмасдан яшашга күник энди, дил.

Неча-неча орзу, истаклар барбод,
Лайлига Мажнун йўқ, Ширинга Фарҳод,
Алишер ҳам куйиб, чекди ох-фарёд,
Армонли ўтмишин сўзлолмайди тил,
Севмасдан яшашга күник энди, дил.

ДЎСТ

Излансанг имкон бўлар, ҳаракатсиз бўлма, дўст.
Мақсад ила интилгин, матонатсиз бўлма, дўст.

Оқар сувинг бўлса ҳам, томчи сувни авайла,
Уволига қолмагил, баракотсиз бўлма, дўст.

Бу бешафқат дунёда ёв инсонлар жуда кўп,
Улар каби бўлмагил, сен шафқатсиз бўлма, дўст.

Тирикчилик учун бир касбу коринг бўлсин лек,
Ҳалол ишлаб фойда кил, даромадсиз бўлма, дўст.

Ютуқларинг барига шу эгамдир сабабчи,
Дуода бўлсин қўлинг, ибодатсиз бўлма, дўст.

Мол-дунёлар топганда закотни ҳам унутма,
Етимларни сийлаб тур, диёнатсиз бўлма, дўст.

Ота-онанг ғанимат, эъзозлагин ҳар нафас,
Айтганин қил уларнинг, итоатсиз бўлма, дўст.

Шоҳу гадо олдида бирдек бўлгин ҳамиша,
Адашмагин ҳақ йўлдан, адолатсиз бўлма, дўст.

Ака-ука, синглингдан меҳрингни ҳеч аяма,
Жигарларга жигар бўл, мурувватсиз бўлма, дўст.

Бешикдан то ўлгунча илм изла, деганлар,
Шундай экан, қадрдон, саодатсиз бўлма, дўст.

Ҳар замонда бўлса ҳам ўтганларни эслаб тур,
Мозорларин хабар ол, тиловатсиз бўлма, дўст.

Гулдек ёринг бўлсин бир, яша севиб, севилиб,
Ҳаётинг бўлсин гўзал, муҳаббатсиз бўлма, дўст.

Алишерга чин дўст бўл, сирларингни сотмайди,
Ишонтиргин, ишонгин, оқибатсиз бўлма, дўст.



КҮП ЭКАН

Дунё, дунё! Ишончингдан гумонларинг кўп экан,
Яхшиларни излагандим, ёмонларинг кўп экан.

Зимдан таъкиб айлаб сени, кутиб қулай бир фурсат,
Сени йўлдан адаштирас шайтонларинг кўп экан.

Минг хил нағма айтиб алдар, кириб олиб ишончга,
Эй одамзод, рўй-ростингдан ёлғонларинг кўп экан.

Эзгуликни истагандим бу ҳаёт сўқмоғида,
Мен танлаган йўлакчада тиконларинг кўп экан.

Содик дўстим деган кишинг йиқилсанг, қўл чўзмаса,
Қадрдонга оқибатсиз замонларинг кўн экан.

Тўғри йўлдан борай дейсан, адашганинг билмайсан,
Жимжимадор бўлган эгри томонларинг кўп экан.

Эй Алишер, ўқи, излан, нафинг тегсин Ватанга,
Бунда сенга мадад бўлар имконларинг кўп экан.



Рухсора РАХИМОВА

*1963 йил Самарқанд вилояти Пастдаргом туманида
тугилган.*

МЕНДАИ СҮРАМА

Менинг кимлигимни сўрама мендаи,
Соғинч, меҳр тўла кўзимдан сўра.
Кимлигимни асло яширмам сендан –
Ҳақиқат талашган сўзимдан сўра.

Менинг кимлигимни сўрама мендан,
Армон тўла, хаста дили пораман.
Тақдир сўқмоғида минг бор қокилиб,
Йиқилмай кўкрагим кериб бораман.

Менинг кимлигимни сўрама мендан,
Адаштирган кулман умр сўқмоғи.
Ҳам қадду ҳам бошин аямай tengдан,
Савалаган гулман тақдир тўқмоғи...

Менинг кимлигимни саратон чоғи
Сочларимга қўнган қировлар айтсин,
Кулган-куйдирганда фарзаиднинг доғи,
Бу кадди долимни бировлар айтсин.

Менинг кимлигимни сўрама мендан,
Армонга – эиага, ғамга – дояман.
Тўрт томонин тўлқин ялаган tengдан
Ғам денгизи ичра ёлғиз қояман.

Менинг кимлигимни сўра тоғлардан –
Бардошим олдида унсиз тиз чўккан...
Сўра хазонларга тўлган боғлардан –
Дардимдан сарғайиб япроқлар тўккан...

Менинг кимлигимни сўрама мендан,
Меҳрнииг ҳидига зор, бўш хонаман,
Ўзим шамчироғу, ўзим парвона –
Ёнаман, бир бағри куйик онаман...

Энди нушаймондан асло фойда йўқ,
Изласам, изингиз ҳатто ойда йўқ.
Кучоғингиздай жой ҳеч бир жойда йўқ,
Онажон, соғиндим кучоғингизни.

Озорлардан сақлаб озор чекдингиз,
Қизингиз дийдорга кўп зор этдингиз,
Нечун бунча эрта ташлаб кетдингиз
Мехрга зор, кўзлари мунчоғингизни?

Сизни соғинаман қизимни қучиб,
Боролсам қанийди ёнингизга учиб,
Хижронларнинг аччиқ шаробин ичиб –
Юволмайман дилдан фироғингизни.

Сиз кўчган кун кўқдан офтобим кўчган,
Бошим силагувчи – йўқ бирор кучган,
Дилда аллақачон меҳр шами ўчган –
Ёкиб ўтирибман чироғингизни.

Тушунмайин қолдим бу ажиб сирга –
Бериб меҳрингизни тупроққа, қирга,
Болалигим олиб кетдингиз бирга,
Раво кўрмай менга ардоғингизни.

Онажон, соғиндим кучоғингизни...





*Муazzам
Иброҳимова*



*Икромхон
Валихон*



*Шаҳзодатбону
Имомназарова*



*Бахтигул
Мирзақулова*



Сарафроз



*Алишер
Абдуллоҳ*



*Рӯҳсора
Раҳимова*



*Махсума
Ғайбуллаева*



Нилюғар



Равшан
Турдиев



Сайёра
Сабрия



Армона



Гуломжон
Нормат



Оигул
Кодирова



Магур
Камол



Мехрибон



Райёна
Арксуманд



Беҳзод
Сайднур

ЎҒЛИМГА

Кўзим оқу қораси, юрагим бир пораси,
Шодлигим фаввораси, ишонганим – лочиним.

Ўтган куним чироғи, онасининг қароғи,
Эртам, меҳр булоғи, меҳрибоним, ботирим.

Ватанимнинг ғуури, умрим мазмун-суури,
Онасин онг-шуури, паҳлавоним, полвоним.

Куч бўлай билагингга, етгин ҳар тилагингга,
Чиқсан чоғингда рингга, ҳапқиради бу жоним.

Асраб элнинг номусин, ўқиб мардлик қомусин,
Ғолиб бўл! Ҳамма кўрсинг, ўғлим, сенсан виждоним.

Оллоҳ доим қўлласин, ҳақ йўлига йўлласин,
Елканг ҳеч ер кўрмасин, дуоларга имконим...

Яшнат Ватан гулзорин, кўриқлаб номус-орин,
Сўзла ҳакиқат торин, жигарбандим – ўғлоним.



Махсума ФАЙБУЛЛАЕВА
1970 йилда Бухоро вилояти Ромитан туманида туғилган.

Деразамдан боқаман маъюс,
Сочларимни тебратар шамол.
Юрагимда ўтли бир маҳбус
Қалбгинамни тирнар bemалол.

Менга бир зум қулоқ сол, юрак,
Ўртамагин ўзингни бирпас.
Сендеқ у ҳам ўртанса бироқ
Бўлур эди жисминг ҳамнафас.

Сиз-ла гулзор эди хонадонимиз,
Тўкин, серфайз эди дастурхонимиз,
Шод-кувноқ ўтарди ҳар бир онимиз,
Отажон, қалбимиз узиб кетдингиз.

Сиз юрган йўлларнинг қадри ўзгача,
Сиз курган боғларнинг бағри ўзгача,
Сиз айтган сўзларнинг сатри ўзгача,
Отажон, қалбимиз узиб кетдингиз.

Қидирсам, тополмай йиғларман зор-зор,
Изларингиз излаб бўлдим bemадор,
Ой-у юлдузлардан сўрайман такрор,
Отажон, қалбимиз узиб кетдингиз.

Сиз-ла гулзор эди хонадонимиз...

НИЛУФАР (Солиҳа Исломова)

1976 йилда Бухоро вилояти Пешику туманида туғилган.

*Бухоро давлат университетининг ўзбек филологияси
факультетини тамомлаган.*

ТАШЛАБ КЕТДИНГИЗ

(Етимлиқда ёш тўкаётган маъюс кўзлар ноласи)

Сиз шод эмасдингиз мен туғилган кун,
Оромингиз бузган ўшал машъум тун,
Лаънатлаб ҳаётни узундан-узун,
Тақдирнинг измига ташлаб кетдингиз...

Ахир, гуноҳим не, айтинг, онажон?
Йўлингизни пойлаб кўзларим гирён.
Ҳатто исмингиз ҳам этмасдан аён,
Бир умр кўзларим ёшлаб кетдингиз...

Йиғлайман хонамда чиқмай нафасим,
Онаси борларга келар ҳавасим,
Олиб бўйниигизга гуноҳи азим,
Умрим аросатга бошлаб кетдингиз...

Кулиб боқар бир кун менга ҳам қисмат,
Юракда мужассам ғайрату шиддат,
Лек ўтди болалик, билмай чин ҳиммат,
Кемтик юрагимни ғашлаб кетдингиз...

Эҳ, начор бошимни силамас онам,
Етимлик гуноҳмас, тугамас нолам,
Ҳаёт волидамдир, дунё ҳамхонам,
Ҳеч қайтмас йўлингиз тошлаб кетдингиз...

ГҮЗАЛ ИЗХОР

Гулдек чиройингни соғинди диллар,
Күнгил муз, қаҳратон қировли йўллар.
Дала-дашт, боғу роғ сенсиз ҳувиллар,
Кел энди тақиб гул, севгилим, баҳор.

Гар келсанг; васлингга бир достон тузай,
Қалбимдан энг сархил сўзларни узай,
Чаманзор йўлингда ел бўлиб кезай,
Кел энди тақиб гул, севгилим баҳор.

Дов-дараҳт нозланиб, гул-чечак тақсин,
Жилғалар шодлиқдан мавж уриб оқсин,
Изгирин ҳуснингга маҳлиё боқсин,
Кел энди тақиб гул, севгилим баҳор.

Сен дилбар чиройсан, беҳишт изисан,
Ошиқ кўнгилларнинг хумор кўзисан,
Табиатнинг танти, эрка қизисан,
Кел энди тақиб гул, севгилим баҳор.

Кир-адир сепингдан тузсин гулчамбар,
Чайқалиб лолалар бўлсин мунаvvар,
Кўз тутар йўлингга муштоқ Илуфар,
Кел энди гул тақиб, севгилим баҳор.



ТОПА ОЛМАСМАН

Тинглаб дунё сабоқларини,
Кезиб Балху Ҳиротларини,
Туйиб дилда саботларини,
Онам меҳрин топа олмасман.

Нур ёғилган ойдек юзидан,
Мушк тараљмиш ҳатто изидан,
Яшиаб «болам» деган сўзидан,
Онам меҳрин топа олмасман.

Йўлларида борим пояндоз,
Ашъорларим жонимдан андоз,
То тирикман, айтаверай роз,
Онам меҳрин топа олмасман...

ЙИҒЛАСА

Боқманг ортингизга, кетаверинг жим,
Сизсиз яrim қўнғлим оғритиб сим-сим,
Тутинг ҳижронлардан оловли тилсим,
Йиғласа, бир қоши қалам йиғлабди,
У қизга қўшилиб алам йиғлабди...

Сиз турган осмонлар бунчалар баланд,
Учмоққа қанотим бераверар панд,
Ёнимда жудолик айтмоқда ўлан,
Йиғласа, бир қоши қалам йиғлабди,
У қизга қўшилиб алам йиғлабди...

Тунлари бошида овутар ҳилол,
Умиди чўпчакдек топибди завол,
Эҳ, ҷархнинг карамин олмайин малол,
Йиғласа, бир қоши қалам йиғлабди,
У қизга қўшилиб алам йиғлабди...

Боқманг ортингизга, кетаверинг жим...

Раъно УМАРҚУЛОВА

1962 йил Туркманистанда туғилған. 1986 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини битирған.

ОНАЖОН

Юрагимни армонларим эзғилайди тунлари,
Мехрибоним йўқ – ҳоли паришонман кунлари...
Эзар хаста кўнглимни сўнгсиз армон-ўйлари,
Сўнгги дамда ёнингизда бўлолмадим, онажон!

Дилга ором беролмайди фарзандимнинг қувончи,
Малҳам бўлмас, билаяпман, жигарларнинг ишончи,
Рўзгор ташвишидан ортиб, тополмадим иложин,
Сиздан тез-тез хабар олиб туролмадим, онажон!

Кўзим йиғлар, кўнглим йиғлар, йиғламоқда хаёллар,
Юрагимда уя курган турли-туман саволлар,
Мен қандайин фарзанд бўлдим – сўролмадим аҳволлар,
Тўлиб турган меҳрим сизга тутолмадим, онажон!

Доим менинг жонкуярим, ғамгусорим эдингиз,
Йўлларимга кўзин тиккан интизорим эдингиз,
Мен ҳам боғлаб қўйилмаган омонатман, дердингиз,
Омонатим – меҳрим сизга тутолмадим, онажон!

Онасизлик дарднин, Раъно, қанча айтсанг кам бўлар,
Бағри хундир онасизнинг, кўзларида нам бўлар,
Қанча армон, қанча ҳасрат, қанча сўнгсиз ғам бўлар,
Бағрингизда тўлин ойдек тўлолмадим, онажон!

Юрагимнинг тубида дард йиғлайди, оҳ, сим-сим,
Кўлин чўзиб, кўзёшларим артиб қўяр энди ким?!
Қанотларим қайрилди, учолмайман, иложим –
Йўқдир, ҳатто тушларимда кўролмадим, онажон!

САЛОМ АЙТИНГ

(Мұхаммад Юсуф хотирасига)

1.

Дардли дилим хаёлпараст, ўйчан, сағир,
Мұхаббати гирён унинг, күчди қабр.
Ёшим ёмғир, қабоқларим мисли абр,
Ғамнинг юки жуда оғир, дилим оғрир,
Мұхаббатга салом айтинг, қизғалдоғим.

Умрим секин поёнига етиб борар,
Юрак ийғлар, излайвериб топмай чора.
Мұхаммаднинг қизғалдоғи ҳолим англар,
Ва минг бора Раъно учун деб ёлворар,
Мұхаббатга салом айтинг, қизғалдоғим.

Баҳор ўтди... Ёз, куз, қишини ҳам кузатдим,
Сочларимга қор ташлади қиши музлатиб,
Мұхаббатнинг хаёллари энди ғарип,
Кўзимда ёш, қолавердим мен сарғайиб,
Мұхаббатга салом айтинг, қизғалдоғим.

Ҳамон борман, аҳволимдан хабар олсин,
Яна дилга ўтли туйғу, ғавғо солсин,
Майли, юрак яна йиғлаб, яна толсин,
Истардимки, менинг билан бирга қолсин,
Мұхаббатга салом айтинг, қизғалдоғим.

Дардим оғир, юрак оғрир, дилим сўлғин.
Ҳеч бўлмаса, шу юракка армон бўлғин,
Севилгин-у севганингни билмай қолгин,
Ишқим қандай ҳароратли, боқиб қўргин,
Мұхаббатга салом айтинг, қизғалдоғим...

Хар сўзида минг маъно бор, ганнинг асли,
 Муҳаммад, бу – Алишеру Бобур насли...
 Соғинган қалб салом йўллар ҳар гул фасли,
 Бугун яна юрак тилар дийдор, васлин,
 Муҳаммадга салом айтинг, қизғалдоғим.

Қоши ўсма қизга ҳавас қилгаи эди,
 Соф гўзаллик – оддийлик деб билган эди,
 Ҳақ сўз айтиб халқ қўнглини олган эди,
 Туркман қизнинг юрагида қолган эди,
 Муҳаммадга салом айтинг, қизғалдоғим.

Яна баҳор шамоллари эсад аста,
 Қизғалдоққа тўлар дунё зўр ҳавасда,
 Шоир сўзи ўлмас, яшар ҳар нафасда,
 Юрак титрар, имконсиз у бир қафасда,
 Муҳаммадга салом айтинг, қизғалдоғим.

Айни баҳор гулдек учди жонин олиб,
 Неча халқлар қалбига минг қайғу солиб...
 Бир кунда минг йиллик дунё қолди қариб,
 Йиғлаб қолди муҳаббати бўлиб ғариб,
 Муҳаммадга салом айтинг, қизғалдоғим.

Ҳеч йўқ, унай қабри узра бир гул бўлиб,
 Шеърларини куйлай-куйлай булбул бўлиб,
 Ҳаёлларим ёлғизликда зор, зил бўлиб,
 Шеърларига ошиқ бўлган кўнгил бўлиб,
 Муҳаммадга салом айтинг, қизғалдоғим...





Афжон
Томатов



Дилноза
Камол



Муқимжон
Нурбоев



Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 63
йиллигига багишланган хотира тадбирида.
(2017 йил 27 апрель)



“Ҳамиша қалбимиздасиз, устоз...”



Зиёратдан сұнг

Равшан ТУРДИЕВ

*1976 йилда Самарқанд вилояти Каттақўргон тумани
Пайшанба шаҳарчасида туғилган.*

ШОИРГА МАКТУБ

(Муҳаммад Юсуф хотирасига)

Эй, оташ қаламкор, эй, булбулзабон,
Эй, назм мулкида буюк файласуф!
Эй, сўзи дилкушо, эй, нутқи равон,
Барчаси ўзингсан, Муҳаммад Юсуф!

Барҳаёт маъвосан, сен ўлдим дема,
Сен очган ирмоқлар диллар мироби.
Гуллаган боғ эдим, тез сўлдим дема,
Сўз – тирик, вужудда ўлим шароби.

Қизлар ардоғини кўргандим сендан,
Сендеқ болажонман, ортганин еган.
Оталик меҳрини ўргандим сендан,
Менинг ҳам қизим бор Нозима деган.

Билсанг, тавсифинга монандлигим бор,
Мен ҳам содда қасман, кибр билмайман.
Бўлса ҳам Амриқо афсона диёр,
Тандир айвонимга алиштирмайман.

Аёзда қор кураб, отамни кўмиб,
Кўкламой кўкидан чўлғонганим рост.
Гоҳи илк севгидаи хаёлга чўмиб,
Узун киприклар деб тўлғонганим рост.

Қанийди, ҳозир ҳам дунёда бўлиб,
Бир чархлаб берсайдинг қаламларимни.
Ва ёзсан дардларим дийдалар тўлиб,
Ўқиб ҳис қилсайдинг аламларимни.

Мен ҳам дил назмига далли девона,
Юрак ҳасратларин қоғозга түккан.
Ғам-қайғу шодликдан этиб бегона,
Қаламдек қаддимни камондек буккан.

Эй, сўзи дилкушо, эй, нутқи равон...

ВАТАН

Ватан, сен бирла топғанман ғурурим, ифтихоримни,
Ки баҳтим шул – сенинг кўшкингда кутсам ҳар наҳоримни.

Гўзалсан, хушҳавосан, гўиё беҳишти ризвонсан,
Шукухингдин гўзал андоза билдим ҳар баҳоримни.

Жарангдор миллатим номин жаҳон майдони хуш кўргай,
Фидойилик бирла топдим яна ўзлик викоримни.

Ўзинг толе чироғимсан, азизсан, саждагоҳимсан,
Кўзимдек саклайнин ҳар кез бу тинчу барқароримни.

Туробинг гарди олтиндур, башар аҳлини лол этган,
Буюклар-чун абад этдинг Самарқанду Бухоримни.

Бу юрт оламда ҳеч кимдан абад кам бўлмаган, бўлмас,
Диёrim, шиддату шаҳдинг оширгай ишқиворимни.

Сен эй, Равшан, бу юрт мадҳин баланд пардангда ижро эт,
Наволар боғласин мутриб чалиб танбур, дуторимни.



ТОКИ ИМКОНИМДАСАИ

Англагил, эй сўзлари шаккар, менинг жонимдасан.
Ҳар куним, ҳар бир дақиқам, шоду ғам онимдасан.

Мен хаёлий васлинг оғуши билан оввораман,
Хусни ҳижронингда ашким, чашми гирёнимдасан.

Сен қаю гулшани маскан этмоғинг огоҳи бўл,
Тавсифи қўнгил аталган ишқи майдонимдасан.

Малҳамижондур тани хастамга кўзинг оташи,
Ҳар киё шахлолигингдан жисму дармонимдасан.

Бу муҳаббат деңгизига шўнғидим, топдим сени,
Ахтариб ғаввос тополмас дуру маржонимдасан.

На қиласай, сен дилрабодан ўзга дилдор билмасам,
Куйларам беҳудлигимдан, токи имконимдасан.

Раббано, Равшанга ишқни муҳтасар қилган ўзинг,
Эмди айтгил: «Моҳитобинг бирла фармонимдасан!»



ТОШКАНУ ФАРГОНАСИ

Хилқатингдур икки кўзимиинг тамом мастонаси,
Сен пари ғилмонисенму ё башар жононаси.

Кимга тушгайдур нигохинг шарпасидин лаҳзае,
Бир умрдур икки чашминг ошику девонаси.

Мен бутунлай тифи ҳижронингда жон паркандимен,
Бўлса кош хандони қўнглинг ғам дилим ҳамхонаси.

Майли, ўтлуғ оразингдин жисми жонимдур кабоб,
Кел, бўлай офтоб чароғинг муттасил парвонаси.

Сайрамас ҳеч андалиб боғ бирла бўстондин йироқ,
Сен чаман бўлгил, бўлай ул гулшанинг сайронаси.

Бўлмаса оҳангি булбул гар чамандур, беҳусн,
Бесадолиғдин етурким оқибат вайронаси.

Бўлсанг ишқ боғида, аҳзон диллигим бўлгай нихон,
Менга невчун ул харобот аҳлининг майхонаси.

Қил на қилсанг энди, ошкор айладим кангулни мен,
Тобакайким, бўлмағим изҳори дил пинҳонаси.

Равшано, сен айла байт мундин Самарқанд ишқи деб,
Куйга солсин она юртим Тошкану Фарғонаси.



БҮЛСА ҲАМ

Бу ҳаёт идроки мушқул, ақли доно бўлса ҳам,
Умри мардум рўзи бешдур, қанча зебо бўлса ҳам.

Айни ибрат субҳи офтоб кўрганинг шом қошида,
Жумла борлик жилвасиға ғарқи шайдо бўлса ҳам.

Не булоқлар очди бунда қайнатиб гавҳарларин,
Ҳасрато, бордур адоги минг тавалло бўлса ҳам.

Барча жон ҳоки мазаллат, Тоҳиру Фарҳоду Алп,
Лайли-ю Ширин, Зулайҳо, моҳи Зухро бўлса ҳам.

Ҳарки бор наққоши чизган тақдирин аввал, азал,
Бу синовот бандасиға болу сафро бўлса ҳам.

Эй элим, сен чайқалиб турган бу олам қўшкида,
Қил ҳимоят боғу бўстонингни, сахро бўлса ҳам.

Равшано, келдингми, дунё саҳнасин қилғил чаман,
Шу ватан ишқида жон бер, ҳукми ижро бўлса ҳам.

ХУМОРИМ ИШҚИДА

Йиғладим тунларда бедор асли ёрим ишқида,
Айлаган васфин китобим беғуборим ишқида.

Сев менингдек интизоринг, мафтунингман деб тугал,
Нолалар қилдим дилимдин дилда борим ишқида.

Сўзи гулзордин териб гул мадхидин бўлдим тараб,
Максудим не, неъматим бордур нисорим ишқида.

Етганим салмоғи имконим, гумонлиғ манзилим,
Турналарда неча бор кўрдим баҳорим ишқида.

Үртаниб қилдим ҳаваслар ҳар мурод аҳлига мен,
Тебраниб арғамчидин кутдим еторим ишқида.

То омонат танда мавжуд этди ром, қилди асир,
Токи тонг муштоқ жамолига узорим ишқида.

Дилда бор юксак муҳаббат, доҳили танҳо ўзи,
Икки дунё чулғаниб турсин хуморим ишқида.

КЎҚДА ОЙ

Қанча олис бўлса ҳам, сочди чароғин кўқда ой,
Қилди кўз-кўз гоҳ тўлин, гоҳи ўроғин кўқда ой.

Аҳён-аҳён беркитиб нури жамолин пардага,
Этди барпо дилда ҳижрону фироғин кўқда ой.

Ёки ҳасрат қилдиму ул ҳам рақобатдош билиб,
Ердаги жонон санамларнинг қароғин кўқда ой.

Не учун чеккай рутубат, гарчи ойдур, англасун,
Одам авлодига жононлар яроғин кўқда ой.

Бермасун имкон ҳасадга айлабон юзинда доғ,
Қизғаниб аҳли висолдин ярқироғин кўқда ой.

Бенасибин васли имкон шамс ила билмас башар,
Йўлласин раҳмонга жумбоғий сўроғин кўқда ой.

Равшано, айтқил хуморинг моҳми ё моҳилиқо,
«Маҳлиқойим» айтасен англағ ӣироғин кўқда ой.

Сайёра САБРИЯ (Сайёра Бозорбоева)

1980 йил Қорақалпогистоннинг Тўрткўл туманида туғилган. Шеърлари «Истеъдод учқунлари», «Согинч соҳиллари» тўпламларига киритилган. «Ватан согинчи» номли шеърлар тўплами нашир этилган.

ИСТАРАМ

Жон дебон, жоним дебон, жонона бўлмоқ истарам,
Ёр дебон, ёrim дебон, гирёна бўлмоқ истарам.

Тонг сахар уйғонсаму туйсам юзидин ишқини,
Қатра дур, шабнам мисол маржона бўлмоқ истарам.

Ноз ила эркаланурсам кўзларига термулиб,
Қалбига ишқим солиб, пайкона бўлмоқ истарам.

Кўзларига боқсаму анда кўурурсам сийратим,
Ҳам севиб, ҳам севилиб, шодмона бўлмоқ истарам.

Орқасидан эргашиб, дам соясига айланиб,
Теграсидин чарх уруб, парвона бўлмоқ истарам.

Севгисидин нома айлаб, қилса изҳор ўртаниб,
Мен вафо бобидаким дурдона бўлмоқ истарам.

Дил уйин оташ муҳаббатдин қасрвор айласа,
Бекалик тожин кийиб, яқдана бўлмоқ истарам.

Кел, кел, эй ёр, эт менинг гулизорида гул,
Мен висол оғушида мастана бўлмоқ истарам.

Қил назар ҳолимга, эй, ишқингта бўлдим мубтало,
Аҳдима содик туриб, мардана бўлмоқ истарам.

То тирик Сайёра айтсинким, висолинг мадхидин,
Куйлабон овоза-ю афсона бўлмоқ истарам.

СЕЗМАЯПСИЗ, ЁР!

Узилган гул мисол сүлдиму секин,
Күринар ҳаёт ҳам күзимга чиркин.
Күтаролмай вужуд дардларим юкии,
Кунда минг ўлишим сезмаяпсиз, ёр!

Юрагим ғам тұла, ёшлидир күзим,
Бесабаб дод солиб, йиғлайман юм-юм.
Олмайсиз күнглимини қайрилиб бир зум,
Мен сизни севгандай севмаяпсиз, ёр!

Қолмади танамда соғлом аъзойим,
Телбадан фарқим йўқ, бузук авзойим.
Сизни беҳад севмоқ балки жазойим...
Тутадим, ҳолимни билмаяпсиз, ёр!

Саноқли кунларим қолгаидир балким,
Ёнимда бепарво ўтирасиз жим.
Эртага не бўлар, билмайди ҳеч ким,
Ё умрим назарга илмаяпсиз, ёр!

Ўзимни ўз-ўзим айладим бемор,
Ҳисларим хаёл-ла ўтират бедор.
Аҳдим деб ғууруга қазидим мозор,
Тириклай кўмилдим, кўрмаяпсиз, ёр!

Шамолларга учди орзу-тилагим,
Қарашингиз совуқ, музлар юрагим.
Магарки бўлмаса сизга керагим,
Нега мени ташлаб кетмаяпсиз, ёр!



ҚАЛБЛАРДА ЯШАЙСИЗ

Шеърият мулкининг буюк ҳабиби,
Хастаҳол дилларнинг назмий табиби,
Эл-юрт ардоқлаган суюк адиби,
Қалбларда яшайсиз, Мухаммад Юсуф!

Айни гуллаганда сурмаган даврон,
Сўнг манзил кузатган бу фано карвон,
Қизғалдоклар қолди ястаниб алвон,
Қалбларда яшайсиз, Мухаммад Юсуф!

Бу гўзал бўстонда изингиз қолди,
Шеъриядта мангуб юзингиз қолди.
Дилда айтилмаган сўзингиз қолди,
Қалбларда яшайсиз, Мухаммад Юсуф!

Ёрингиз эслайди расмингиз қучиб,
Руҳингиз бахтиёр кезади учиб,
Хотирангиз мангуб, кетмайсиз ўчиб,
Қалбларда яшайсиз, Мухаммад Юсуф!

Истеъдод эгаси, табаррук инсон,
Шеърлари куй бўлиб жаранглар ҳамон,
Фақат дийдорига йўқ энди имкон,
Қалбларда яшайсиз, Мухаммад Юсуф!



АЁЛ ҲУСНИ

Минг шукур, холиқ аёлни онаи даврон килур,
Хилқатидин бу ҳаётни одими карвон қилур!

Олдиму офтоб юзидин аксини ё тескари,
Иккисин нурида оламни ажиб бўстон қилур!

Ҳуснидин ой ҳам хижолат чекди ҳасрат доғида,
Лолагул ҳам бағрини тирнаб ҳasadдии қон қилур!

Билмадим, недан яратмиш сувратини холиқо,
Шуълаи ҳусниға ишқ ахли ўзин қурбон қилур!

Сунбули хуш анбарин беркитса рўймоли билан,
Айланиб гирён силолмасдин шамол ҳижрон қилур!

Чалса мутриб созини мужгонидин имдод олиб,
Созининг оҳангини шўх булбули сайрон қилур!

Сиз ёзинг, ахли қаламкаш, таърифул жононани,
Ёзса Сайёра магарким, байтидин девон қилур!



Ирода МУРОДБАХШ (Ирода Ўлмасова)
Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида тугилган.

ҚИЗҒАЛДОҚЖОН

Мұхаммадинг йўлига зор термуласан,
Ҳижронларга фасли баҳор совруласан,
Қуёшнинг тиф нурларида қовруласан...
Шоирини соғинганда чеккан фироқ,
Қизғалдоқжон, қизғалдоқжон, оҳ, қизғалдоқ!

Дала-даштда қўл ушлашиб бирга-бирга,
Эркатойинг кузатдингми сўнг қабрга,
Қонинг сочиб мушт урасан қаро ерга...
Шоирмасман, юпатайин сени қандок?
Қизғалдоқжон, қизғалдоқжон, оҳ, қизғалдоқ!

Ҳар бир шеъри тилдан тилга кўчгаи баёт,
Унутилмас Мұхаммадинг – у барҳаёт,
Кел,
Иккимиз уни бугун оламиз ёд!
Қабрин қучган алвон рангли нафис байроқ,
Қизғалдоқжон, қизғалдоқжон, оҳ, қизғалдоқ!

Қонлар ютган жуфт ҳалоли йиғлаб қолди,
Садокатдан хур бошига рўмол солди,
Йўқлармисан?
Ул дилдорнинг кўзи толди...
Ҳаммамизга унинг сабри бўлсин сабоқ,
Қизғалдоқжон,
қизғалдоқжон,
оҳ, қизғалдоқ!



АЙЁМИНГ МУБОРАК!

Бу кун шаҳарларинг нурга беланган,
Йўлинг, кўчаларинг гулга ўралган,
Дилимга ифтихор ҳисси эланган,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Гуллаган бағрингда нишлар изи бор,
Ўтмишдан отилган тошлар изи бор,
Сени эголмаслар, бариси бекор,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Сен азиз Ватаним, сен-ла жон-таним,
Чиройда тенги йўқ жаннатмаконим,
Бағрингда қувончга тўла ҳар оним,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Бобур согинчида ўртанган диёр,
Тарихинг аллома, буюкларга ёр.
Сенинг келажагинг, эртанг улуғвор,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!

Шоира қизингман, куйлаб шонингни,
Қўкларга кўтарай азиз номингни,
Булутлар босмасин хур осмонингни,
Айёминг муборак, Ўзбекистоним!



ТҮЛИН ОЙ

Топмадим излаган дилдошим,
Хижрон бир умрлик кундошим,
Армонлар – аламнок йўлдошим,
Тўлин ой, бўл менинг сирдошим.

Чии севги, ёр-ёрлар армонми,
Шул телба юрагим вайронми,
Ё Мажнун ҳолимдан ҳайронми?
Тўлин ой, бўл менинг сирдошим.

Қалб уйим зим-зиё, зимистон,
Зулматда йўл излаб ишқ сарсон,
Қалбимни ёритиб сен бир он,
Тўлин ой, бўл менинг сирдошим.

Аламлар жонимни доғласа,
Орзуни тушкунлик чоғласа,
Юлдузлар бағрига чорласа,
Тўлин ой, бўл менинг сирдошим!

Шеърларга сигмаса хисларим,
Сиёхранг йиғлади кўзларим,
Раббимга айтольсанг сўзларим –
Тўлии ой, бўл менинг сирдошим.



Күнглимга оловли ишқинг бўйлайди,
Хаёллар тин билмай сени ўйлайди,
Гўёки сенингсиз яшаб бўлмайди.
Мен мудом муҳаббат, ишқ оғушида,
Ошиқдай шеър ёзсан сенинг ҳақингда!

Гул бўлиб боғингни айласам макон,
Мехринг булоғидан суғорсанг ҳар он,
Кутганим интизор – келганинг замон,
Аста қўлларимдан тутсанг боғингда,
Мен эса шеър ёзсан сенинг ҳақингда!

Кўнглимни ёритди нафис шеърият,
Ўзига ром этди абадул абад,
Дилдаги исёнлар йўқолса шояд.
Бахтимни қўраман, билсанг, ижодда,
Завқланиб шеър ёзсан сенинг ҳақингда!

Тим-тим тўкилади кўзимдан ашким,
Гоҳ сени қизғониб уйғонса рашким,
Сочларинг силаса бир кун аллаким,
Ўтаман баҳт тилаб ёруғ дунёда,
Умрбод шеър ёзсан сенинг ҳақингда!

Мехрингга тўймасдан, бокмай юзингга,
Бегона айласанг мени ўзингга,
Исмимни ардоқлаб қўйсанг қизингга,
Мадҳинг янграйверар мангу тилимда,
Тоабад шеър ёзсан сенинг ҳақингда!



СИЗСИЗ МЕИГА БЕГОНА БАХОР!

Опнок қордай эланиб кетдим,
Армонларга уланиб кетдим.
Бугун энди тушуниб етдим,
Сизсиз менга бегона баҳор!

Сиз кетдингиз – ўксиниб қолдим,
Хижронингиз ичра йўқолдим,
Ишқ дардимни шеърларга солдим,
Сизсиз менга бегона баҳор!

Дилда севгим бошлайди исён,
Соғинч сизни эслатган замон,
Ғурур бир ён, телба ишқ бир ён,
Сизсиз менга бегона баҳор!

Ишқнинг маҳзун кўчаларида,
Кўнглим чил-чил кечаларида,
Юрагимнинг нарчаларида,
Сизсиз менга бегона баҳор!

Музликларга буркаб теварак,
Ширин жоним этади ҳалак,
Мен – аёзда гуллаган чечак,
Сизсиз менга бегона баҳор!



СИЗСИЗЛИКНИ УДДАЛАДИМ...

Армонларнинг кўлларида умидлар тант,
Юрак шўрлик уриб турар базўр, аранг,
Софинчингиз асабимни этмас таранг,
Сизсизликни уddаладим охир, қаранг...

Энди сизнинг ёиингизга элтмас йўлим,
Юзларимни қоплаб олган хазонли ранг.
Энди асло кўлингизни тутмас кўлим,
Сизсизликни уddаладим охир, қаранг...

Дил энтикиб ёзган шеърлар сизга эмас,
Кўксим узра севги куйи сочмас жаранг.
Тиз чўкинг ҳам, аммо сизга қайтгим келмас,
Сизсизликни уddаладим охир, қаранг...

Хижронингиз тилкаламас қалбим ортиқ,
Майлига, тошюрак дебон номим атанг.
Сизсиз, кўринг, бу кунларим гўзал, ёруғ,
Сизсизликни уddаладим охир, қаранг...

Кўнгил кўчам, манзилимиз туташмас ҳеч,
Тақдир айро тушди, нолиб деманг аттанг.
Ўтмиш бўлди, қайтаришга барисин кеч,
Сизсизликни уddаладим охир, қаранг!



АРМОНА (Шоира Абдураҳмонова)
1982 йилда Қашқадарё вилояти Қамаши туманида
түгилган.

ВАТАН НАФАСИ

Илк бор бу дунёниг иссиқ нафасин
Юрагим ҳис этди онам бағрида.
Тингладим алладан Ватаним сасин,
Тафтини англадим чексиз адрида.

Ватан бу – юрагим, уриб турар жон,
Ҳар бир нафасимда Ватан ҳавоси.
Қон ила айланар фахр, ғуур, шон,
Юртим сабосида тинчлик навоси.

Мен ўзбек фарзанди, шукrona айтгум –
Нодира, Увайсий, Зулфияси бор.
Ўзгача фахр-ла ашъорлар битгум,
Яссавий, Навоий ҳам Машраби бор...

Бутун Осиёни эгаллаб Темур,
Мардлик, жасурликни мерос қолдирди.
Тарих саҳифамиз йўлимизда нур,
Кўнгилга ўзгача шукуҳ тўлдирди.

Илк бор Ватанимнинг иссиқ нафасин
Ҳис этдим ғичирлаб турган бешикдан.
Кўзимга суртгайман тупроғу хасин,
Кулгу жаранглайди ҳар бир эшиқдан!



СОҒИНДИ-КУ ҚИЗҒАЛДОҒИНГ!

Япроғлари зир титрайди, юрагим қон,
Ҳасратимни айтолмайин эзилди жон.
Мұхаммадсиз менга бўлди алам макон,
Эй Мұхаммад, соғинди-ку қизғалдоғинг!

Ҳар бир келган баҳорларим энди маъюс,
Ўн икки ой энди менга ҳамроҳдир – куз.
Таскин бермас ҳеч бир далда, ҳеч битта сўз,
Эй Мұхаммад, соғинди-ку қизғалдоғинг!

Шеърларингда мадҳ этилган Ватан қолди,
Дардларингни ҳар бир ҳофиз қуйга солди.
Ёш эдинг-ку, кирқ тўртиигда жонинг олди,
Эй Мұхаммад, соғинди-ку қизғалдоғинг!

Соғинчларга юзим ювдим ҳар кун, наҳор,
Ранг тополмай оворадир энди баҳор.
Қанча дардим оқизмоқда дил-ла анҳор,
Эй Мұхаммад, соғинди-ку қизғалдоғинг!

Мен дунёдан ўтган чоғда йўқла, дединг,
Наҳот ажал келмоғини сезди кўнглинг?!
Мана, бугун юраги қон, дили доғинг –
Эй Мұхаммад, соғинди-ку қизғалдоғинг!



МЕХРИМ БЎЛАКЧА

Шоирлик даъвойим эмас, бу ҳавас,
Назм бўстонида мен ким – йўлакча.
Кимларга кимлару ва лек менда бир
Муҳаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Ўқисанг, ҳар байти қолгувчи ёдда,
Бир байти аламда, бир байти шодда.
Байтидек тўпори, самимий, содда,
Муҳаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Халқ дардин битгувчи, қалами чўғли,
Дўстларга меҳрибон, ёвларга дўкли.
Бобурнинг юртдоши, Андижон ўғли –
Муҳаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Кўкларни титратган кўнгил ноласи.
Байт битган қофозин хўллаб жоласи.
Ҳов, ўша қишлоқнинг танти боласи –
Муҳаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Бир йўқлаб бормадим борлик чоғида,
Шу менинг кўнглимнинг кетмас доғи-да.
Минг йиллик назмнинг бўстон, боғида
Муҳаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Қисматга кўл берган, кетмоққа кўнган,
Чақиндек зум чақнаб, мангуга сўнган.
Бу кун қабри узра қизғалдоқ унган
Муҳаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Шогирдман демоққа, балки, йўқ ҳаққим,
Боқсам, ўхшаб кетар дардига дардим.
Шоирлар ичра бир мен учун мардим –
Мұхаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

Байтлари барҳаёт, ўчмайди шони,
Хур халқин қалбидан кўчмайди номи.
Қоракош, очик юз, ўзбек ўғлони
Мұхаммад Юсуфга меҳрим бўлакча.

ОНАМДЕК БЎЛ

Майли, гўзал бўлма ой мисол,
Кўклам тошиб оққан сой мисол,
Чин муҳаббат, меҳрга тимсол
Онамдек бўл, жуфти ҳалолим.

Майли, қошлар бўлмасин камон,
Сочлар тушиб ўпмасин товон.
Ҳеч ранжимас, мунис, меҳрибон
Онамдек бўл, жуфти ҳалолим.

Майли, кафting қадоқ бўлса ҳам,
Юзларинг доғ, пардозлари кам.
Сабри сероб, бардоши маҳкам
Онамдек бўл, жуфти ҳалолим.

Қўйгин, тилло тақмасин бармоқ,
Аламлардан бағринг юз ямок...
Сен кўнглидек соchlари оппок
Онамдек бўл, жуфти ҳалолим.

Йўқ, бўлмагин ҳурлиқо, ҳурдек,
Сарвиқомат, тишлари дурдек.
Лек борим-у йўғимда бирдек
Онамдек бўл, жуфти ҳалолим.

Ғулом Нормат тунда битди байт,
Ойдинда, сен ухлаб ётган пайт.
Шу бир шартим, малолмасми, айт –
Онамдек бўл, жуфти ҳалолим.

ЎЗИММАН, ВАТАН

Қалам яйрар мадҳингни этсам,
Камдир, қанча қадрингга етсам.
Сендан бир зум бир қадам кетсам,
Зор, хуморинг ўзимман, Ватан.

Ҳар кунинг тўй, ҳар кунинг зафар,
Донғинг кетган қўкларга қадар.
Сени севмоқ гуноҳ бўлса гар,
Гуноҳкоринг ўзимман, Ватан.

Камол топдим бағрингда бекам,
Ўйнаб кулдим, кўрмадим алам.
Хизматингга шай тураг ҳар дам
Қад, миноринг ўзимман, Ватан.

Донишларинг дунёга достон,
Ўчмас қилиб яратилган шон.
Сенга фидо, бўлса мингта жон,
Бандтуморинг ўзимман, Ватан.

Чўпонларинг минг ғанимга бас,
Султонларинг халқ дер ҳар нафас.
Тинчликсевар, кўпларга ҳавас
Синмас оринг ўзимман, Ватан.

Халқинг озод мангу, йўқ кишан,
Нурли манзил ҳар дилга нишон.
Ғулом ўғлинг байти чин, ишон,
Бахти боринг ўзимман, Ватан.

Осмонинг бор – ой, қуёш кетмас,
Саховатда сенга ҳеч етмас.
Ишончингни оқлар, панд этмас,
Бир тўпоринг ўзимман, Ватан.

Кўнглим яйрап мадҳингни этсам,
Арзир қанча қадрингга етсам.
Сендан бир зум бир қадам кетсам,
Интизоринг ўзимман, Ватан!



ҚАЙТМАДИНГИЗ

Хайр дедим. Айро кетдик, видо айтиб,
Аммо ҳамон дил түрида исмингиз бор.
Сизсиз келди неча куз, қиши, күклам қайтиб,
Қайтмадингиз, кутиб күзлар толди бекор.

Қайтмадингиз! Күз ёшларим бўлди ёмғир,
Армон дилим ўяр, кулиб заҳарханда.
Кетишиңгиз кузатдиму, қараб мағур,
Кўнглим сиз-ла кетганини билмабман-да.

Қайтмадингиз! Қабрин кучди орзуларим,
Умидларим чок-чокидан сўкилди, ёр.
Иzlарингиз ўпган қаро киприкларим,
Софинчиигиз озоридан тўкилди, ёр.

Қайтмадингиз! Ўтди йиллар сочимга ок,
Юзларимга ажинларни айлаб тортиқ.
Сиздан бироз ранжиганим рост-ку, бирок
Севишнм ҳам чии эди-я -- жондан ортиқ.

Қайтмадингиз! Мен тангримдан сўрдим паноҳ,
Сўнгги илинж тўкилмоқда қароғимдан.
Агар сизни севганлигим бўлса гуноҳ,
Қабримда тинч ётай, кечинг гуноҳимдан!

Қайтмадингиз, қабрин кучди орзуларим...



Ажралишдик, балки бу тақдир,
Бекатимиз қарама-қарши.
Икки томон кетяңмиз мағрур,
Дил айрилмоқ истамас гарчи.

Энди бүлак манзилларимиз,
Бизни енгиди ишқнинг синови.
Адашган құш йүловчилармиз,
Қаён элтар соғиич улови.

Икки ёнда икки нигох зор,
Күз ёш ювар юзларимизни.
Орзулардек оппоқ лайлак қор,
Беркитади изларимизни.

Орамизда түрт қадамча йўл,
Бизга оғир – юрмоқ бир қадам.
Ҳаммасига силтадик-да қўл,
Дедик: «Кўниб кетади одам...»

Кетдим, билмам қайси йўналиш,
Кўлларимда ғижимланган хат.
Кўчалари бефайз, нотаниш,
Номлари ҳам ғалати бекат.

Мухаббатнинг синовларидан
Сен енгилмай, ғолиб ўтсайдинг.
Армон номли сўнгги бекатдаи
Бахт юртига мени элтсайдинг...

Орамизда түрт қадамча йўл...



Кетавердим сендан олислаб,
Йўлдош бўлди ёнимда афсус.
Минг бўлакка бўлинди бу қалб,
Кутдим сендан биттагина сўз –
«Қол» демадинг.

Кетавердим. Билдим накадар
Оғир экан кинрикдаги нам.
Мен йигладим, сен-чи, алҳазар...
Сен синдирган кўнгил учун ҳам
«Қол» демадинг.

Кетавердим хазон йўлакдан,
Умидларим янчғилаб, эзиб.
Бир сени деб урган юрақдан
Қолган эдинг қай замон безиб?
«Қол» демадинг...

Кетавердим, видо айтмадим,
Тошдек котди бўғзимда сўзим.
Хайр, орзу! Хўш, муҳаббатим!
Биз бегона, биз энди хеч ким –
«Қол» демадинг!



Ишонмайсиз менинг ишкимга,
Ишонинг, ёр, ишким ёлғонмас.
Сиздан кечмоғимни истарсиз,
Лекин сиздан кечмоқ осонмас.

Сиз ҳаётим, сиз борлиғимсиз,
Гар сиз йўқсиз, кайфият тушкун.
Бу ҳаётдан кечмоқ осондир,
Лекин сиздан кечмоқлик мушкул.

Сиз борсизки, булут пойимда,
Ҳеч гап эмас кўкларда учмоқ.
Юлдузларни қучиш осондир,
Бироқ қийин, ёр, сиздан кечмоқ.

Истасам ҳам, истамасам ҳам,
Кексайиб, ёш ўтса ҳам юздан,
Ширин жондан кечиш мумкин-ку,
Мумкин эмас кечмоқлик сиздан!



Мағұр КАМОЛ

1987 йилда Самарқанд вилоятында Ургут туманида туғилған.
Шеърлари «Дилдошлар» баёзига кириллелгін.

«ТАНИШ ТЕРАКЛАР»

Висол умиди билаи
Энтикади юраклар.
Марҳаматга чорлайди
Үша «Таниш тераклар».

Балки терак бир тимсол,
Балки чорлаган устоз.
Тушларимга ҳар кеча,
Кириб айтар «Шогирд, ёз».

Чўчиб уйгонаман-у,
Қоралайман варакни.
Тушга ишонаман-у,
Тасвирлайман дарахтни.

Кўзга тушар узокдан
Икки қатор кўк терак.
Хониш келар шу ёқдан,
Булбуллар бўлса керак.

Ёритади ёғдулар,
Олиб ўз паноҳига.
Осилган кўп орзулар,
Тераклардек шохига.

Бўйига бўй қўшилиб,
Етгандир осмонларга.
Барг ўрнида бахт ўсиб,
Улашар инсонларга.

Узр, устоз, сиз каби
Тасвирлашга нўноқман.
Сизнинг йўлинғиз кутган
Теракларга муштоқман.

Марҳаматга чорлайди
Ўша «Таниш тераклар».

МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА

Қаро тунни қоплади зулмат,
Ой юзини кўролмайди ер.
У расулга эди бир уммат,
Бошқа ундек туғилмайди дер.
Дунё қолди ортидан ўксисб,
Эрта кетди Муҳаммад Юсуф.

Эрк йўлида Чўлион ҳам бўлди,
Кеча билан кундуз оралаб.
Кимлар учун ёмон ҳам бўлди,
Бўлмас энди дунни қоралаб.
Ҳақ йўлида кўксини тутиб,
Эрта кетди Муҳаммад Юсуф.

«Эрка оҳу» чекмоқда фифон,
Сел куйилар ишқ дарчасидан.
Оҳ, айрилиб қолди Андижон
Юрагининг бир парчасидан.
Шеъриятга бўстон яратиб,
Эрта кетди Муҳаммад Юсуф.

Ариқ бўйи қолди ҳувиллаб,
Ялпизларда унинг нафаси.
Қизғалдоклар айтар пичирлаб,

Ёндиарди ўтли бўсаси.
Ялнизларни қолдириб ғариб,
Эрта кетди Муҳаммад Юсуф.

Дили билан тили бир эди,
Ажратмасди оқни қорага.
Худо билан сири бир эди,
Тушолмасди ҳеч ким орага.
Жаннатларга бўлиб муносиб,
Эрта кетди Муҳаммад Юсуф.

Ёдгор қолди ундан кўп шеърлар,
Ва шоириинг эсадаликлари.
Барчамизга бўлмоқда ўрнак
Муҳаммаднинг соддаликлари.
Қизғалдоғин бағрига босиб,
Эрта кетди Муҳаммад Юсуф.

Тонгги шабнам тушса гулнинг
барига,
Гулнинг ҳоли нечук,
сўрмадингизми?
Сиздан сўровим бор бир бора,
гулим,
Менинг юрагимни кўрмадингизми?

Балки, кўргандир у алвон
қизғалдок,
У унган даладан
юрмадингизми?
Дўстлар, куйдирди-ку
кўксимни фирок
Менинг юрагимни кўрмадингизми?

Оймомодан сўранг, кўкда турибди,
Унинг билан хаёл сўрмадингизми?
Дардимни биргина осмон билибди,
Осмон юрагимни
кўрмадингизми?

Тентираб кетяпман, зилдек
қадамлар,
Изларин ўшишга
кўнмадингизми?
Қаии, айтинг менга, эй, сиз одамлар,
Менинг
юрагимни
кўрмадингизми?..



МЕХРИБОН (Марҳабо Шодмонова)
1984 йил Самарқанд вилояти Иштихон туманида
түгилган.

МУҲАММАД ЮСУФ ХОТИРАСИГА

Қалбимда ишқ куртак очган гул ёшимда,
Гоҳи шодлиқ, гоҳи аччиқ кўз ёшимда,
Қалбимга жо айлаганман муҳаббатни,
Ашъорларин ўқиб устоз Муҳаммадни.

Хотирамда, бироз бўғик овозлари,
Шу овозни жаранглатган дил розлари.
Жайронни ҳам қизғалдоқни севди бирдай,
Кўксидаги юрак эмас, кенг адирдай...

Тулпор қилиб, учди онноқ булувларда,
Жони олов бўлиб ёнди гугуртларда.
Сувпарини сўзларига боғлаб олди,
Жаннатларда ҳурлар кўнглин чоғлаб колди.

Унга илҳом нарилари маъшук эди,
Париларга ўзи содиқ ошиқ эди.
Изҳорларин мухлисалар хуш кўрарди,
Кечаларда шоирини туш кўрарди.

Қалбимга жо айлаганман муҳаббатни,
Ашъорларин ўқиб устоз Муҳаммадни...

Айт, қандайин севай?
Ўтли дудофим
Мумдай эритсинми сабрларингни?
Кўзимда кўз очган қайнар булоғим,
Гулга буркасинми адирларингни?

Айт, қандайин севай?
Бедил, безабон,
Қамровга олайми түрт томонингни?
Хаттоки бир одим қўймай сен томон,
Титроққа солайми жисми жонингни?

Айт, қандайин севай?
Минг йил йироқда,
Намоён этайми рашким, қаҳримии?
Аразимга қўмиб, кийнаб фироқда,
Бегона қилайми олов бағримни?

Айт, қандайин севай?
Буткул беларво...
Истак билдирмайми туйғуларингга?
Аламлар қалбингга ботган, бедаво,
Ошно бўлмайними қайғуларингга?

Айт, қандайин севай?..

Севги...
Олов бўлиб куйдир мени, ёқиб юбор,
Хижронларииг қучоғига отиб юбор.
Султоним бўл, ҳаётимни қўлингга ол,
Хаёлларим иғиштириб, измингга сол.

Севги...
Булут бўлгин, ёмғирдайин синов ёғдир,
Хато бўлсаиг, мени тўғри йўлдан оғдир.
Юрагимга хатарларни сотиб олай,

Ёрнинг қаро кўзларига ботиб қолай.

Севги...

Мени буткул ҳаяжонга кўмиб ташла,
Адаштирма, фақат ўзинг томои бошла.
Раҳм қилгин, кўзларимга тўлмасин нам,
Қалбимда қол саксонми ё тўқсонда ҳам.

Садоқатинг билан ҳижронни ўлдир,
Висолининг кўзлари сузилиб кетсин.
Эътиборинг ила кўнглимни тўлдир,
Софинчнинг иплари узилиб кетсин.

Масофа аламдан кўтарсин тўфон,
Айрилиқ чодири бузилиб кетсин.
Нигоҳлар бир-бирин топгани ҳамон,
Софинчнинг иплари узилиб кетсин.

Дийдорга ошуфта қалблар учрашиб,
Сирли афсоналар тузилиб кетсин.
Ошиқлар диллашиб, кўигил хушлашиб,
Софинчнинг иплари узилиб кетсин.

Шаҳризоданг бўлиб ҳар тун аврайин,
Минг бир кечаларинг чўзилиб кетсин.
Ишқингни жонимда жондай асрайин,
Софинчнинг иплари узилиб кетсин.

Орзулар туғилиб қароғимизда,
Мисли кипригингдай тизилиб кетсин.
Фироқ адo бўлсин фироғимизда,
Софинчнинг иплари узилиб кетсин.

Нўймон УСМОИ (Нўймонжон Маматов)
1985 йилда Навоий вилояти Ҳатирчи туманида
таваллуд топган.

ХАСТА ДИЛ

Кўй, бунча ўксидинг, эй кулоқсиз дил,
Измингда турибман ақлимдан кечиб.
Яна қай кўчага соласан мени,
Инсофданми, қўйдинг шодлигим ичиб.

Мажнундан беш баттар сарсонман бугун,
Бу хаста танамни минг кўйга солдинг.
Ишқ, кувончдан асло қолдирмай асар,
Ғурурни ҳам бугун бир йўла олдинг.

Умрим қанча қолди – Тангримга аён,
Балки беш кун умрим уч куни ўтган...
Мол-дунё йифай деб босмадим қадам,
Қўлларим-ку фақат майқадаҳ тутган.

Икки тор ораси менинг маконим,
Қай ёнга урилсам, фарёд соласан.
Оҳларинг кимларга беради ҳузур,
Ўлчов умрим ўзинг кемтиб борасан.

Қаддим кечки куздек мунғайиб қолган...



ЎЗБЕК АЁЛИ

Азал қадоқ қўлли, тенгсиз меҳрли,
Йигитдек шиддатли, қалби сеҳрли,
Хурмати ошкора, севгиси сирли,
Машҳур бўлган азал ибо-хаёли,
Таъзимдаман сизга, ўзбек аёли.

Фахр-ифтихор-ла сўзлайн сизга,
Аёл бор – оила шод, суянчик бизга.
Она, она, сингил, меҳрим ҳар қизга,
Кексаси ҳам меҳнатда иззатдан ҳоли,
Бунчалар хоксорсиз, ўзбек аёли.

Ёрини авлиё, пир тутган аёл,
Бир парча этни ҳам шер этган аёл,
Фарзанди оғриса, кон ютган аёл,
Онам қайда бўлсин, менда хаёли,
Жисмим садқа бўлсин, ўзбек аёли.

Аёл баҳор чоғи очилган гулдир,
Аёл-ла умримиз чароғон йўлдир.
Аёлсиз ҳаёт ҳам сувсиз бир чўлдир,
Унингсиз кўпаймас йигитнинг моли,
Аёлнинг тенгсизи – ўзбек аёли.



ҚАЕРДАСИЗ?

Балки етмас сизга оҳим, қаердасиз?
Тунлар чиқмай қолган моҳим, қаердасиз?
Излаб-излаб йиғлайман зор йўлингизда,
Олдингизда бор гуноҳим, қаердасиз?..

Туилар сиз ҳам ёлғиздирсиз менинг каби,
Изхорларим кутар сизни музлаб лаби...
Дарз кетмоқда юраккинам борган сари,
Бошқа етмас энди ҳолим, қаердасиз?..

Соғинганим соғинчлардан сўранг, майли,
Айтиб берсин ёнганимни сиз туфайли.
Мажнунни ҳам адo қилган ўша Лайли,
Сиз бунчалар бўлманг золим, қаердасиз?..

Бир бор кўрсам, армонларим тарқаб кетар,
Васлингизга етсам бўлди, жон узилар.
Бир бўсага қоникиб бу кўз юмилар,
Сўнгги дамда келинг, жоним, қаердасиз?!

Мен сизни севмайман, ундан ўйламанг,
Бундай туйғулардан тўйганман, бироқ,
Биламан, севасиз, факат йиғламанг,
Мен сиздан ўша кун бўлганман йироқ...

Ҳеч нарса эмасдир сизни унутмоқ,
Бир лаҳза ёнимда бўлолмадингиз.
Мен учун бир қадам олислаб кетмоқ,
Сизни соғинганда келолмадингиз...

Мен учун оддий ҳол сизни тарк этмоқ,
Үзгани бунчалар тезроқ құчдингиз...
Сиздан кетиш үзи – бир киприк қоқмоқ,
Ёлғон ваъдаларга нега учдингиз?!

Эсламайман сизни, бу жуда осон,
Кўксимга меҳрмас, эқдингиз нафрат!
Йиғлатиш қийинмас мен учун бир он,
Сиз энди керакмас, менга – Муҳаббат!

ИСМИМИЗ ҚОЛДИ

Шамоллар учирди орзуларимиз,
Саробга айланди умидларимиз.
Йиғлатиб бизларни армонларимиз,
Дараҳтда ўйилган исмимиз қолди.

Тақдир ҳеч бизларга қымади шафқат,
Софинч ҳам ноилож ўйларга толди.
Биздан ширин бўлиб хотира фақат,
Дараҳтда ўйилган исмимиз қолди.

Бу қадар ҳеч кимни севмайман энди,
Фақат азоб бериб, жонимни олди.
Сенсиз яшашга ҳам юрагим кўнди,
Афсуски, дараҳтда исмимиз қолди.

Кўксимга бош қўйиб, пичирлаб секин,
Ваъдалар бергандинг, қайга йўқолди.
Биз кетдигу айро йўллардан, лекин
Дараҳтда ўйилган исмимиз колди...



Биламан, қаламим ўткирмас ҳали,
 Ҳали кўп довонлар босиб ўтаман.
 Вакт келар шу ўтмас қалам туфайли,
 Мұхаммад Юсуфдай шоир бўламан!..

Шеъриятсиз яшолмам, ололмам нафас,
 Юрагим тўхтайди, бирдан ўламан..
 Ёшлиқдан қилингган бу шириң ҳавас,
 Устоз Мұхаммаддай шоир бўламан!..

Кулишсин, майлига, шеърларим ўкиб,
 Жимгина кузатиб кулиб турман.
 Сўнг секин айтаман юзига боқиб,
 Устоз Мұхаммаддай шоир бўламан!..

Айбсиз инсон йўқ, хатосиз сўзлар,
 Дардларим инграйди, ичимда бўзлар.
 Ишонч-ла айтади бу мағрур кўзлар:
 Барибир устоздай шоир бўламан!



Райёна АРЖУМАНД (Гуландом Мамазулинова)

1992 йил Андижон вилояти Асака туманида

тугилган.

УСТОЗ

Инсонлар бахтини қидирса ойдан,
Умидвор бўлсалар ночорлар бойдан,
Ҳеч ким кутмаганда сирли бир жондан,
Биз шунда ёрдамга шошамиз, устоз,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, устоз.

Мухаббат қолади, меҳринг қолар деб,
Халқинг тинч бўлса гар, кўнглинг тўлар деб,
Юртим деб, халқим деб, эрта ғамин еб,
Ҳаттоқи осмондан тушамиз, устоз,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, устоз.

Римга алишмасдан бедапоямиز,
Кўхна Андижонга улкан қоямиз,
Жаҳонга номини бир кун ёямиц,
Минг синов, довондан ўтамиз, устоз,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, устоз.

Бизни паст билганга қасд қилмайин жим,
Сирли ҳилқатларга топамиз ечим,
Қани, йўлимизни тўсар энди ким?
Илм-фан дарёсида тошамиз, устоз,
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, устоз!



ИСЛОМ БОБО

(Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасига)

Бугун ўзбек номин ёйиб кенг жаҳонга,
Эркинликни тортиқ қилиб ҳар инсонга,
Кўз тегмасин дея шундай тинч ошёнга,
Ўзбекистон кўксидаги тумор бобо,
Қиёматга қолдими, айт, дийдор, бобо!

Бизни қандай кўзинг қийиб ташлаб кетдинг,
Ўттиз икки миллион кўзии ёшлаб кетдинг,
Шундай кунда қўнгилларни ғашлаб кетдинг,
Кеча эди истиқлолнинг тўйи, бобо,
Бугун, афсус, янграп мотам куйи, бобо...

«Ҳеч кимдан кам бўлмас асло ўзбек», дердинг,
Келажаги обод – буюк Ватан курдинг,
Юртим дединг, халқим дединг, жонинг бердинг,
Табарруксан, жоним каби суюк бобо,
Буюклардан буюқдурсан, буюк бобо!

Сарбонини излаб бу кун карвои йиғлар,
Эл йиғлайди, ёр йиғлайди, осмон йиғлар,
Ҳа, сен барпо этиб кетган қўрғон йиғлар,
Ҳақ қошига бунча эрта шошдинг, бобо,
Дарё эдинг, қирғоғингдан тошдинг бобо...

Қабр тошин безар Куръон оятлари,
Сени кутар яратганинг жаннатлари,
Насиб этсин боқий дунё роҳатлари,
Унда руҳинг олсин мангу ором, бобо,
Унутмаймиз сени асло, Ислом бобо!



ОҚ ФОТИҲА БЕРИНГ

Орзуларим осмонлари юлдузи йўқ,
Умрим қаро тунлари бор, кундузи йўқ,
Яшнамайди ҳеч бир дарахт илдизи йўқ,
Энди менга оқ фотиҳа беринг, Ота!

Нетай, ахир, юрак ашъор битиб турса,
Бир қўлим сиз, бирин қалам тутиб турса,
Кўзларим зор дуойингиз кутиб турса,
Энди менга оқ фотиҳа беринг, Ота!

Номардларнинг алдовига учрадим мен,
Фитна, хийла-макрларга учрадим мен,
Сиз борсиз, ҳеч нарсадан чўчимадим мен,
Энди менга оқ фотиҳа беринг, Ота!

Дўсту ёрон оғир кунда сотиб кетди,
Хиёнатнинг доми осон тортиб кетди,
Кўксимга ғам ханжарлари ботиб кетди,
Энди менга оқ фотиҳа беринг, Ота!

Бирда мағлуб, бирда ғолиб экан дунё,
Бирда устоз, бирда толиб экаи дунё,
«Ота рози – Худо рози» деган дунё,
Энди менга оқ фотиҳа беринг, Ота!

Орингизни елкамда деб билгайман мен,
Сизга элдан раҳмат олиб бергайман мен,
Насиб қилса, зўр шоира бўлгайман мен,
Энди менга оқ фотиҳа беринг, Ота!



МАРҲАМАТГА БИР КЕЛИБ КЕТИНГ

Юм-юм йиғламоқда қизғалдок,
Күз ёши тинмайди танида титроқ,
Лолалар учун ҳам, шоирим, тезроқ
Марҳаматга бир келиб кетинг.

Райхонлар безаган анҳор бўйига,
Энахон аянинг пастак уйига,
Кокили ўрилган қизнинг тўйига,
Марҳаматга бир келиб кетинг.

Сиз барпо қилган ул боққа борамиз,
Мушоира айтишиб, кўнгил ёзамиз,
Барчамиз соғиндик, оҳ, ёлворамиз,
Марҳаматга бир келиб кетинг.

Гулдан поёндозлар тўшар Андижон,
Муҳаммад Юсуфинг чорлар ҳар қачон,
Бўғзимда сўз қотиб, куймокда забон,
Марҳаматга бир келиб кетинг!



ҚИЗҒАЛДОҚ

Гүё замин – денгиздан томчи,
Қалқиб турар коинот аро,
Баҳор эмас, ҳислар алдамчи,
Умр уч тун-кечадек ялдо.

Гул умрига қилманг сиз ҳавас,
Беролмайсиз шамолларга дов.
У ўтди-ю дунёдан, эвоҳ,
Пешонасин ўпмади бирор.

Адирларга сачраган қоним,
Ишқ кўксингдан тўкилғани доғ.
Шоир ўлса, шеърлари эмас,
Қабрин кучиб йиғлар қизғалдоқ.

Кўзин очса муazzам осмон,
Юрагимни тутаман унга.
Ёмғирдан сўнг шодланар борлик,
Салом айтгум ёришар кунга.

Тўкилади япроғим бир-бир,
Она ерга қоришиб кетгум.
Балки сиздан етказиб нома,
Тупрок аро дийдорга етгум.



Гул, тиконинг ботди-ку, гул нигоҳинг ботди-ку,
 Гул, қароғинг ботди-ку, гул яиоғинг ботди-ку.
 Дилинг, тилинг ғафлатда, лек кўзларинг сотди-ку,
 Эй воҳ, кўпдан озорим, изламадинг-ку мани!

Сарсона йўқ менингдек, оввора йўқ менингдек,
 Девона йўқ менингдек, бегона йўқ менингдек,
 Ҳамхонанг йўқ менингдек, паймонанг йўқ менингдек,
 Қалбим дея, ғурурим, изламадинг-ку мани!

Тўлғонардим, ёнардим, уйғонардим – ёнардим,
 Сувлар кечиб ёнардим, музлар кечиб ёнардим,
 Ёниб туриб тонардим, тониб туриб ёнардим,
 Шамсим дея, қамарим, изламадинг-ку мани!

Дарё эдим, меҳрингга ташна эдим, билмадинг,
 Сахро эдим, Мажнунга ошно эдим, билмадинг.
 Билолмадим, не сабаб тўкилмадинг, тўлмадинг,
 Ишқи арzon бозорим, изламадинг-ку мани!

Талпинганим сен эмас, соғинганим сен эмас,
 Сенга боққан юз эмас, сенга боққан кўз эмас.
 Кетаяпман Ҳақ томон, ул манзилим сен эмас,
 Тушни йўйиб рӯёга, изламадинг-ку мани!

Гул тиконинг ботди-ку, гул нигоҳинг ботди-ку,
 Гул қароғинг ботди-ку, гул яиоғинг ботди-ку.
 Дилинг, тилинг ғафлатда, лек кўзларинг сотди-ку,
 Эй воҳ, дилим озори, изламадинг-ку мани!



БАҲОР

Баҳорини бой берган умр
Ўтирибди армонни қучиб.
Фаслларнинг кети узилмас,
Баҳор келса, тушаман чўчиб.

Гўё шамол олмахон янглиғ,
Булутлардан ёнғоқ чақади.
Умидларим майсалар мисол
Қор тагидан кулиб боқади.

Бевафодир очуннинг номи,
Эй кўигил, бас, лойқаланма, тин.
Сабо менга етказди хабар,
Сезяпсанми, баҳорим яқин?..

Тирикликнинг суратими бу,
Куртак ёзар орзунинг гули.
Бир ғунчанинг доғида қолган
Инсон доим кўнгилнинг қули.

Софинчларим қизғалдоқ гўё,
Улар гулмас, сачраб кетган қон.
Хижрон қучиб ой шуъласида,
Сиғмай борар танам узра жон.

Туйғуларим камалак мисол,
Ёмғирдан сўнг олаяпти тин.
Сени ёдга соггани атай,
Сезяпсанми, баҳорим яқин!



Чүли сахро довонидан ошиб келдим,
Сиздан эмас, мен ўзимдаи қочиб келдим,
Ҳақиқатни айтиб, кўзни очиб келдим,
Нимагадир ёнингизга қайтгим келмас.

Ишқи гулоб шаробини ичди бу дил,
Сийратидан, ўзлигидан кечди бу дил,
Қафасдаги қуш эди-ку, учди бу дил,
Нимагадир ёнингизга қайтгим келмас.

Совиб қолдим, совуқ ошни ичавериб,
Чарчадимми, гумон кўйлак бичавериб,
Сиз борлиғим, сиздан осон кечавериб,
Нимагадир ёнингизга қайтгим келмас.

Гуноҳ томон етаклайди айёр кўзим,
Кўзингизга қарамоққа бормас юзим,
Дилингизга асир бўлган дилман ўзим,
Нимагадир ёнингизга қайтгим келмас.

Аҳд-у паймонлар, ваъдалар чил синдими,
Туйғулари денгиз эди, ё тиндими,
Хаста бу дил қароримга жим кўндими?
Нимагадир ёнингизга қайтгим келмас!..

Ҳамма ўтар бир кўприк, шу йўл билан борамиз,
Гоҳ қокилдик, гоҳ бурун қонаб, йиғлаб қоламиз,
Қанча савоб, канчадир гуноҳни ҳам оламиз,
Тақдир менга йўлатган савдолардан кўрқаман.

Мавжлаиади хаётим – гўё жилвакор денгиз,
Биз қайикда сузамиз, эшкаги йўқ ва ҳиссиз.
Сув тагида ётган ул ваҳший-у ҳамда тилсиз,
Чўксам, ямламай ютар наҳанглардан кўрқаман.

Дүст, юзингиз күп экан, билмам, қайси сизники,
Салом-алик суннатдир, еган ошим тузники.
Фариштасиз қанотсиз, күйган оғиз бизники,
Күйнимдаги оёқсиз илонлардан құрқаман.

Менга ҳаво беринглар, қоғоз-қалам – ёзгани,
Банди кишан занжирни сабрим билан узгани.
Юрагингиз үқиши қудратлироқ құз қани?!
Иймонимдан айирар гумонлардаи қўрқаман.

Ўрмонинга султонман, шерман деди бировлар,
Ёки йўлбарс ё бўри, зўрман деди бировлар,
Ҳасадгўйлар ғийбат-ла эрман деди бировлар,
Ўлаксахўр, тилялоқ сиртлонлардан қўрқаман.

Жоним ичра жаҳоним жаллод кўзинг ёқадур,
Бир жонимда минг жоним минг хаёлда оқадур,
Қуёш кўкда, не ажаб, қуёш ерга боқадур,
Тинган сув эдим, бекор лойқалатдинг-да, эй ёр!

Энди тунлар васлингни истар дилим, билдингми?
Мени мендан қизғонар, айт, хаёлим бўлдингми?
Кеча чикқан ой каби бугун маҳзун тўлдингми?
Йўлингга бунча ҳайрон, зор қаратдинг-ку, эй ёр!

Чайқаларми гул бекор, шамол сочин силамас,
Гул ифор таратмаса, булбул боққа йўламас.
Бу қисматим Ҳакдантур, тўрт тарафим қибламас,
Зулмат чўккан кўнглимга нур йўлатдинг-ку, эй ёр!



Раҳимжои АЛИ (Алижонов)
1993 йилда Ўш вилояти Қорасув туманида таваллуд
төпган. Ўши давлат ижтимоий университети тарих-
филология факультети талабаси.

ТОНГ

Изғиган лашкарлар ёйилар,
Сезилмас қуёшнинг қурдати.
Кечалар нураган паллада,
Бузилар оламнинг суврати.

Эзгулик тинтишар игнада,
Тинимсиз кезишиб ҳар ённи.
Қироллар уйқудан тургунча,
Билдирилмай оларлар жаҳонни.

Мойчечаклар табассум қилди,
Куриб қолган караҳт ҳолимга.
Бўйга етган илҳом қизлари,
Тинчлик бермас ўй-хаёлимга.

Бирдан...
Нурлар алангасида,
Сачраб оқди ерга соялар.
Юрагимнинг туб иуктасида –
Туртилмоқда баланд қоялар.

ҚИШ КЎРИНИШИ

Аёз отлик лашкарлар кезди,
Булутларни судради ерга.
Осмон рангин тополмай сарсон,
Мўлтииарди бепарво элга.
Караҳтиқдан музлар кескир сой,

Бўзланганди бузилган юртлар.
Ер юзига ойлаб ўрнашиб,
Ижарада турар булутлар.

СИРЛИ ЛАҲЗА

Сўзлар оқа бошлайди рангин,
Тўлқинида камалак туйғу.
Жилоланган сарҳадлар аро
Бедорликка чорлайди уйқу.

Ферузарап жилвалар маккор,
Қафасиға урилар юрак.
Сачраб кетди ҳайратдан вужуд –
Энди қандай яшамоқ керак?!

Кўлингни бер –
Чўккилар бағрига чопамиз,
Юксакка талнинган қирлардан
Навқирон тонгларни топамиз.

Кўлингни бер –
Умримиз гуллайди яқинда,
Кўрқмагин,
Биз ҳатто қодирмиз
Атиргул ясашга чақиндан.

Кўлингни бер –
Зулматнинг кўзларин ўямиз,
Юксакда тонгларнинг мавжини
Юракка оқизиб қўямиз...

Лаҳзалар гуллайди кафтимда
Юрагим шаробга қуйилар.
Үйғонган ҳайратим күзида,
Зарралар дүиёдек туюлар.

Хиёнат билмайди вужудим,
Күксимда кунларим ғунчали.
Мен БАХТнинг қўлидан тутганман,
Лаҳзалар сўлмагай шунчаки.

Бизни алдайверар яна ўша Дард,
Бизни аврайверар таниш туйғулар.
Рухим осмонидан боқаман карахт,
Барчаси ёлғонки –
ёлғон туюлар.

Қалбда бир чўғ асраб келдим ҳар нафас,
Лаҳзада баридан тонмоғим мумкин.
Дунёни ҳашақдек тўзғитиб бесас,
Денгиз тубинда ҳам ёнмоғим мумкин.

Фақат сенига оғир,
жудаям оғир,
Ҳислар дарёсида сузмаган гулим.
Мангу кундузларни ахтариб охир –
Кўнглим кечасида бўзлаган гулим.

Мен эса...
Ўзим-да ўзимдан сархуш,
Дунёйим ичинда дундан бегона.
Ўзимнинг даштимда ягона дарвеш,
Ўзимнинг Лайлимга ўзим девона.

УМИДА АҲМАД

1983 йил Қиргизистоннинг Ўш шаҳрида
таваллуд топган.

ГУЛ ҚИШЛОҚ

Ўспирим давримнинг гўзал онлари
Сен менга қадрли эдинг-да, ўртоқ.
Сезилмас эди-я дунё ғамлари,
Дардимга гоҳ малҳам бўлган Гул қишлоқ.

Ахсикент довоии... Ер ости шаҳар...
Минг йиллик тарихи сақланган бироқ.
Қазисант, топарсан кўзмунчоқ ё зар,
Тилло қазилмага бойсан, Гул қишлоқ.

Сирдарё Тоҳирин сандиқда сақлар,
Севгисин исботлаб тортган кўп қийноқ.
Самода қуёшинг ҳамиша норлар,
Бунчалар бағринг кенг сенинг, Гул қишлоқ.

Кўп эди дўстларим, дугоналарим,
Биламан, ўшанда эдим-да шўхроқ.
Кўнглимга йўл топмай сарсоналарим,
Сирларим яширгаи эдинг, Гул қишлоқ.

Ҳар қанча таърифга эгасан, билсанг,
Умиданг сендан кўп йироқдан-йироқ.
Бир ёд ол, гар мени сен ҳам соғинсанг,
Соғинчдан ёритмас кўнглимни чироқ.

Бир лаҳза дийдорга зорман, Гул қишлоқ...

Айт, Она, нега бу кўзинг ёшланди,
Нигоҳинг яширин, бағру дилинг қон?
Бошингга маломат тоши ташланди,
Сўраса, йўқ демай, берай дейсан жон.

Бағринг кенг, меҳрингнинг чегараси йўқ,
Хуснингга ҳавасда ҳатто кўкда ой.
Кипрингнинг камондай, нигоҳларинг ўқ,
Шунчалар латофат, шунчалар чирой.

Гулдайин нафисдир сенинг дудоғинг,
Ифоринг маст этар бутун жаҳонни.
Эҳ, Она, айт, нега ёнар яноғинг?
Асрагин, авайла омонат жоини.

Айвонимга ин курмоқда қалдирғоч,
Демак, баҳор келди, биз кутган баҳор!
Полапонга тўлди яна симёғоч,
Тўлғона бошлияди бу сокин анҳор.

Майин шаббодалар ўпса гул юзин,
Шабнам рашқдан куйиб, ёнадир такрор.
Ҳатто янтоқ ёлғиз сезмайди ўзин,
Унга ҳамсоядир шул кўклам, баҳор.



Орифжон ВАЛЛОМАТОВ
1985 йил Андижон вилояти Марҳамат тумани
Бобохурросон қишлоғида туғилган.

ОНАЖОНИМ

Хаёлларга берилиб бир он,
Ўтмиш сари ташладим қадам.
Юрагимни қамради фифон,
Ёдга тушди бечора онам.

Туни бедор бўлганди ул зот,
Тонг оттирган ушлаб бешигим.
Ҳозир ҳарчанд чекмайин фарёд,
Кириб келмас очиб эшигим.

Сизга айтгум бир сўзни, дўстлар,
Она қадрин борида билинг.
Айтинг кўнглин олувчи сўзлар,
Дуо олинг, хурматин қилинг.

НИЛУФАР ГУЛИМ

Софинаман кунда, кун сайин,
Айтгин, қайси кўлдан излайин,
Ифорингни тўйиб ҳидлайин,
Қайлардасан, нилуфар гулим?

Юрагимни қилинг чаманзор,
Софинтириб, бермагин озор,
Йўлларингта бўлдим интизор,
Қайлардасан, нилуфар гулим?

Васлинг менга бўлмасин армон,
Ўзингдирсан дардимга дармон,

Етар, сенсиз кўп бўлдим сарсон,
Қайлардасан, нилуфар гулим?

Ишора бер, борай чорланиб,
Юрак сенсиз қолди зорланиб,
Юрибман-да ёлғиз, хўрланиб,
Қайлардасан, нилуфар гулим?

Келса баҳор, сени қутайми,
Сенга атаб шеърлар битайми,
Ширин ёдинг билан ўтайми,
Қайлардасан, нилуфар гулим?



Дилноза КАМОЛ (Хақбердиева)

1994 йилда Қашқадарё вилояти Китоб туманида түгилган. «Ҳаёт чашмалари», «Истеъдод учқунлари» номли тўпламларда шеърлари чоп этилган.

ЙЎЛИНГДАН АДАШМА

Сени қўкка кўтарган Ватан,
Сенга бахтлар тилаган Ватан.
Кўзингга сурт, тупроғини ўп,
Эй, дўстгинам, адашма йўлдан.

Улуғлардан олгин сабоқни,
Басир этма асло қароқни.
Ажратабил қора ва оқни,
Эй, дўстгинам, адашма йўлдан.

Ватангадо бўлма, бесуур,
Ватанни деб жон бер ва қайғур.
Айрилмагин, шу халқ билан юр,
Эй, дўстгинам, адашма йўлдан.

Хиёнатга урма қўлингни,
Ваҳшийларга сотма элингни.
Иймон ила покла дилингни,
Эй, дўстгинам, адашма йўлдан.

Ватанни деб жон берган Темур!
Темурдайин мард бўлгин, жасур.
Кўзингни оч, бўлиб қолма кўр,
Эй, дўстгинам, адашма йўлдан!



ОНАМНИ АСРА, ҲАЁТ

Эй ҳаёт, бунчалар чигалсан нега?
Ҳар ишнинг жавоби бордир эртага.
Қанча тошинг бўлса, мана, менга от,
Онамсиз мен учун бир пулсан, ҳаёт!

Захрингни ёмонга соча қолгин, бор,
Сен шунчалар пастсан, шунчалар беор.
Аллоҳим яратган энг буюк ижод –
У менинг онамдир, билиб қўй, ҳаёт!

Бахтдан ярқираган пешонангни тут,
Онамнинг ёнидан таъзим қилиб ўт,
Дардингни ҳўв ана ёмонларга сот,
Фаришта онамга қулиб боқ, ҳаёт.

Бошидан учирма азиз рўмолин,
Ўзига сездирма ёлғизлик ҳолии.
Мадад бўл онамга, ҳам сабру сабот,
Шунда сени хурмат қиласман, ҳаёт.

Онам қайда бўлса, доим болам дер,
Азобларинг бўлса, мана, менга бер.
Онам азоб чекса чидолмасман рост,
Онамсиз дунёйинг керакмас, ҳаёт!

Ёмон бўлсанг бизга, сендан нима наф,
Мен доим эзгулик, яхшилик тараф.
Онамсиз нурсизсан, гўё зулумот,
«Сен онам бор учун гўзалсан, Ҳаёт!»



Кўришмоқни истайман ҳар гал,
Бу соғинчми, тузалмас, дардми?
Хузурингга чорламайсан, Ёр,
«Севаман» деб айтмоғим шартми?!

Биздайларни қўллабон наҳот,
Назар солмоқ сенга уятми?
Кўрсат дея менга илтифот,
«Севаман» деб айтмоғим шартми?!

Оҳ, сен учун тоза хисларим,
Товоинтга ёпишган гардми?
Сезмайсанми дилда ишқимни,
«Севаман» деб айтмоғим шартми?

Саховатга эга эканинг
Ё шунчаки қуруқ савлатми?
Бойлигингдан меҳр бер чимдим,
«Севаман» деб айтмоғим шартми?!

Қалбимдағин англаёлмасанг,
Ўртамизда, айт, фарқ қоларми?
Ё барчага ошкора қилиб,
«Севаман» деб айтмоғим шартми?!

СОҒИНДИМ

Сен ёзмайсан...

Мен ёзмайман...

Иккимиз жим.

Ғурур қурғур иккимизни қилди ажрим,
Ўртамизда соғинч тоги бўлди ҳоким,
Соғиндим!..

Сен билмайсан,

Сен сезмайсан,

Холим ёмон.

Бу соғинчдан абгор бўлдим, рангим сомон.
Сени маҳкам қучишимга борми имкон?
Соғиндим!..

Ул соғинчни қалам таҳрир этолмайди,
Ошиқ кўнгил сендан кечиб кетолмайди,
Сендан бошқа менинг қадрим билолмайди,
Соғиндим!..

Кўзёш бўлиб сизиб чиқди тандан қоним,
Сенсизликда девона дил меҳрибоним.
Тортик қиласай ишқим сенга, ушла, жоним,
Соғиндим!..

Сенсизликда, жоним, жуда оғриндим...

ОНАМГА ХАТ

Хона дим. Ҳолим танг, асаблар таранг,
Соатнинг товуши эштилар чиқ-чиқ.
Орсиз сукунатнинг оромин бузиб,
Қаламим столга ураман тиқ-тиқ.

О, она, шаҳарда кўп экан чироқ,
Келганимдан бери ўчмас нақд бир ой.
Тунлари бу ерда кўринмас менга,
Бизнинг супамизни ёритгувчи ой.

Қофдан то Қоғача тарагиб соғинч,
Хаёллар ўтмишни намоён этар.
Маъюслик наҳрига чўккан жисмимга,
Биргина қўнғирок, битта сўз этар.

«Алло, болажоним, тан-жонинг соғми?!»
Сўзингдан ҳапқириб кетади бу жон.
Сендан йироқларда юрганим учун,
Ўзимни койийман, она, онажон!

Тошкентни нон шаҳри дегандинг она,
Аммо нон шаҳрига ўхшамас ҳеч ҳам.
Ҳаммасидан ширин дейман шивирлаб,
Тандиринғ бошида еб олган кулчам...

Мен тинмай сўйлайман шаҳар ҳакида,
Сен эса жим туриб тинглайсан ҳар дам.
Билмам, хаёлингдан ўтади нелар –
Тошкентни бир бора кўрмагаи Онам!

Қанийди, шу тобда ёнингга бориб,
Кўлимни узатсам дийдор жомига.
Бағринг оташида қиздириб жонни,
Ўт кўйсанг айрилиқ истеҳкомига.

Она, хат ёзмоққа айладим жазм,
Лекин ёзолмайин қўлим қалтирас.
Битмокқа уринсам энг дилкаш назм,
Бу СЎЗ деганлари тилим қайчилар.

Турмушнинг ташвишин елкангга ортиб,
Биламан, биз учун тинмайсан сира.
Мен эса олисада сени соғиниб,
Кўзёшим мавжида оқаман, қара.

Она, борганида шоира қизинг,
Пойингга сочади қучоқ-қучоқ шеър.
Ўтин ёриб, қадоқ бўлмасин қўлинг,
Шеърларимни ёкиб, кулча ёпиб бер!

Қўқон АЛИ (Фарҳоджон Умирзаков)

1988 йилда Фурқат туманида туғилган. «Маргилон мушоираси», «Шаҳрихонсой мавжлари» кўрик-танловлари галиби. Ижод намуналари «Ҳайрат булоқлари», «Жилгалар қўшиги», «Анор гуллари» тўпламларидан жой олган.

ҚИЗҒАЛДОГИМ

Софинчларга тўлиб кетди, тўкай кўнглим,
Тош ойнангиз бўлақолсии, тўшай кўнглим,
Кўйлагининг этаклари ғижим синглим –
Қизғалдоғим, Мухаммадни кўрдингизми?

Ўз ҳолимга қўймади ҳеч юрак сиқиб,
Топдим охир адирларга излаб чиқиб.
Сиздан бошқа кимдан сўрай ҳаддим сиғиб,
Қизғалдоғим, Мухаммадни кўрдингизми?

Фақат сизга битта сирни очай лекин,
Тизлар чўкай, қулоқ тутинг, айтай секин,
Сизсиз баҳор – баҳор эмас, сепсиз келин,
Қизғалдоғим, Мухаммадни кўрдингизми?

Шоирларга яшаш одат армон билан,
Дўст бўлади ким ҳам қалби вайрон билан?!
Жаннатларда юрибдими жайрон билан,
Қизғалдоғим, Мухаммадни кўрдингизми?



«ОДАМЛАР ИЧИДАН ОДАМ ИЗЛАДИМ»

Баҳодир ИСОға

Аввал күига бергин, халқымга бергин,
Қачон навбат тегса, кейин сўзладим.
Назарингдан қолмай, бандамсан дегин,
Одамлар ичидан одам изладим.

Кўлим калталиги қўл келди кимга,
Йўлимнинг чаплиги ўнг келди кимга,
Кимга эрта омад, сўнг келди кимга,
Одамлар ичидан одам изладим.

Бирордан битта нон олгим келмади,
Ранжитса, Худога солгим келмади.
Қадримни тупроққа қоргим келмади,
Одамлар ичидан одам изладим.

Яккаланиб қолдим дўстлар бўлса жам,
Гоҳида ўксиндим, гоҳ қўзларда нам.
Тузлиғимга туприк теккан кунда ҳам,
Одамлар ичидан одам изладим.

Кимга бағир очсам, нишлар ин курди,
Тилимни авайлаб, тишлар ин курди.
Дуога қўл очсам, кушлар ин курди,
Одамлар ичидан одам изладим.

Үйимга келганда ўрнимни бериб,
Тўшагим етмаса, тўнимни бериб,
Менга бир берганга ўнимни бериб,
Одамлар ичидан одам изладим.

Үйимга келганлар үйимни бузди,
Кўнглимга кирганлар кўнглимни бузди.

Тушимга киргандар ўнгимни бузди,
Одамлар ичидан одам изладим.

Курашга тўймаган курагим сиқар,
Гоҳ шеърим сиқади, юрагим сиқар.
Кимга йиглаб борсам, у ҳўнграб чиқар,
Одамлар ичидан одам изладим.

Кўнгил очай десам қилмай хато деб,
Бир кун учраширап қодир Худо деб,
Азалим, аввалим Одам Ато деб,
Одамлар ичидан одам изладим,
Одамлар ичидан одам изладим.

*«Устозлар изидан» туркумидан Эркин Воҳидов хотирасига
«СЕНДАН НИМА ҚОЛАР, МЕНДАН НЕ ҚОЛАР?»*

Ориф Ҳожси сатри

Тегирмон навбати билан, биродар,
Ё ўғил, ё қизинг касбингни олар.
Бир савол турари умрим баробар:
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Шамдан ибрат олгин фидолигингни,
Худога қилсанг қил гадолигингни,
Ким билар – баҳтмисан, балолигингни,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Тариғинг пуч бўлса, тароздамас айб,
Ёзганинг ёқмаса, қоғоздамас айб,
Айтганинг уқмаса, овоздамас айб,
Сендан нима қолар, мендан не колар?

Тонгандарни кўрдим пул деб юртидан,
Мик этмас – сим ўтган хатто бурнидан,

«Ипак чопон қолар ипак қуртидан,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?»

Кимдадир зар чопон, кимда сурп, чит,
Кимлар қаср қурди, кимлардир масжид,
Баъзи китоблардан қолар фақат жилд,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Кўл силтаб кетасан шеър тугамасдан,
Кетмонни қўймадим тер тугамасдан,
Қабр сотовлибсан ер тугамасдан,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Бу дунё бозордур дастурхонлик қил,
Ишинг тушмаса ҳам қадрдонлик қил,
Ҳалол топсанг бўлди – мардикорлик қил,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Кўлдан қўлга ўтар ойман деганлар,
Нима олиб кетди бойман деганлар,
Ҳассага суюнди тойман деганлар,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Назмда ким тупроқ, кимдир ҳавоиي,
Кимлардир савдогар, кимдир савдойи,
Тушларимда сўрар ҳазрат Навоий:
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

Кимдан шукур қолар, кимдан арз қолар,
Кимдан ибрат қолар, кимдан дарс қолар,
Яна кимдан мерос, кимдан қарз қолар,
Сендан нима қолар, мендан не қолар?

1976 йил Андижон вилояти Марҳамат туманида тугилган. Тошкент Ислом институтини битирган.

СУҲБАТ

— Дадажон, — деб қолди бир куни ўғлим, —
Ватан нима ўзи, қандайин макон?
У қаерда ўзи, яшайдилар ким,
Уни «онам» дейсиз, дейсиз «мехрибон»?

— Болам, тушунтирай, тинглагин сўзим,
Инсонда икки хил оила – ватан:
Бири катта – давлат, халқим, миллатим,
Иккинчи – оиласам, яқинлар, сиз ҳам.

Бири катта рўзгор, катта ташвиши,
Кичиги – уйимиз, бизмиз, ўғлоним.
Сўрасанг «каттаси қай бири эмиш?»
Бу бизнинг юртимиз, Ўзбекистоним!

Каттаси бирликдир, эл-юрт, маҳалла,
Кувонса қувониб, куйганда куйиб.
Хур тинчлик куйини куйлаб баралла,
Яшаш шарт ардоқлаб, жондан-да суйиб.

Шу элдир мактаблар, уйларни курган,
Келажак авлодни ўйлаган юртим.
Посбонлар элни деб, доим тахт турган,
Шудир катта ватаним – оиласам, ўғлим.

— Тушундим, дадажон! – деди-ю ўғлим,
Кўзлари чақнади қувончга тўлиб.
Шу лаҳза кўтариб тоғдайин кўнглим,
Деди: «Мен яшайман сиздайин бўлиб,

Катта оиласында қыларман хизмат,
Мен ҳам сизнинг каби бўлиб мард инсон.
Тинчлик боқий бўлсин юртимда абад,
Яшнасин Ватаним, хур Ўзбекистон!»

ҚАЛБИМДА ФАРИШТА ОНАЖОНИМ БОР! (Онаажоним Ҳалимахон Фозилжон қизи хотирасига)

Кўксимни тирнайди дил ҳайқириғи,
Изтироб кечалар ором бермайди.
Мехрибон онамнинг чин айрилиғи
Армон гирдобига ҳар кун чорлайди.

Эҳ, онам, волидам, меҳр булогим,
Тилади Худодан жон нажотини.
Дард енгигб, юрмаса икки оёғим,
Менга баҳш этгандир ўз ҳаётини...

«Эй, Раббим, гар сенга керак бўлса жон,
Боламнинг ўрнига менинг жоним ол!
Шафқат қил умрига, эшит, Художон,
Фарзандлари гўдак, келин – ёш аёл!

Айирма, қақшатма, бева, етимлик,
Раво кўрма буни менинг боламга.
Рухи тинчимайди ўртаб кемтиклиқ,
Жар солиб йиғлайман бутун оламга.

Минг йил умр берсанг ёргуғ дунёга,
Қўргувчи, билгувчи, Раҳмон Тангри.
Юрагимни бергин дея боламга,
Пойингга тиз чўкиб минг йил сўрардим...»

Хушсиз ётганимда дарддан тўлғониб,
Теграмда айланиб уч маротаба.
Куёш киздирганда кетсам уйғониб,

Онам йиглар эди тилаб мартаба.
Нега сезмай қолдим Онамнинг охин,
Нега илтижосин эшитмай қолдим.
Унута олмайман маъюс нигоҳин,
Дуоси ижобат – мен ўлмай қолдим...

Орадан бир ҳафта тез ўтиб, ногоҳ
Онам ётиб қолди ранги оқариб.
– Кечир, болам, – деди, – сенда йўқ гуноҳ...
Айтди калимани овоз чиқариб.

«Дод» дедим қаро ер юзини муштлаб,
«Не учун фариштам жонини олдинг?!
Узиб ташлай олсан умримни тишлаб...
Кўксимга армонни кучоклаб солдинг...»

Онамнинг кабрида униб қизил гул,
Оҳиста тебранар мени эркалаб.
Она, орзуйингиз ушалди буткул –
Ўғлим Куръон ўқир ҳидоятталаб...

Қалбимда сиз билан самовий ришта,
Куръон тиловатдан кўнгли сармастман.
Ёдимга тушасиз ҳар ўй, ҳар ишда,
Афсус, кўзим гирён топа олмасман...

Онажон, волидам, меҳр булогим,
Қиёматга қолди сиз билан дийдор.
Жойларин жаннатдан бергин, илоҳим –
Қалбимда фаришта Онажоним бор!



Мундарижа

Ҳар қалбинг ўз айтар гапи бор... (<i>Назира ас-Салом</i>)	3
Муazzам Иброҳимова	4
Икромхон Валихон	13
Шаҳодатбону Имомназарова	18
Олтинбек Рустамов	23
Оллоёр (Оллоёр Рустамов)	27
Бахтигул Мирзакулова	34
Захро Шамсия (Зухра Шарипова)	39
Сарафроз (Мунира Тоғаева)	43
Алишер Абдуллоҳ (Алишер Қўчкоров)	47
Рұксора Раҳимова	51
Махсума Файбуллаева	54
Нилуфар (Солиҳа Исломова)	55
Раъно Умаркулова	58
Равшан Турдиев	61
Сайёра Сабрия (Сайёра Бозорбоева)	67
Ирода Муродбахш (Ирода Ўлмасова)	71
Армона (Шоири Абдураҳмонова)	77
Ғуломжон Нормат	79
Ойгул Қодирова	83
Мағрут Камол	87
Мехрибон (Марҳабо Шодмонова)	91
Нўймон Усмон (Нўймонжон Маматов)	94
Умид Жалолов	96
Райёна Аржуманд (Гуландом Мамазулунова)	99
Беҳзод Сайднур (Беҳзод Нагангов)	103
Раҳимжон Али (Алижоиров)	108
Умида Аҳмад	111
Орифжон Валломатов	113
Дилиоза Камол (Ҳақбердиева)	115
Қўқон Али (Фарҳоджон Умирзаков)	120
Муқимжон Нурбоев	124

МУҲАММАД ЮСУФ ИЗДОШЛАРИ
(Шеърлар тўплами)

Муҳаррир:
Ҳаётжон Бойбобоев
Тех. муҳаррир:
Назиржон Ҳошимов
Дизайнер:
Сотволди Ҳасанов

Нашриёт лицензияси: А.И.№ 162. 2009 йил 14 август.
Теришга берилди: 10.04.2017 й. Босишга рухсат этилди:
31.05.2017 й. Бичими: 84x108_{1/32}. Нашриёт босма табоғи:
4,0. Шартли босма табоғи: 4,25. Times гарнитураси. Офсет
усулида босилди. Адади: 500 дона.
Буюртма №: 141.
Баҳоси келишилган нархда.

«ФАРГОНА» нашриёти.
150114. Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси,
28-й. Тел/факс: 226-58-56

«PRINT LINE GROUP» ХК босмахонаси.
100097. Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-й.



FARG'ONA
nashriyoti

ISBN 978-9943-4916-2-5

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-4916-2-5.

9 789943 491625